6 ИЮН 1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 136 (6. 835) 1989 йил 15 июнь, пайшанба Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг ГФРга визити давом этмоқда. Бугун газеталарда ана шу визит тафсилотлари ҳақида ҳисоботлар, М. С. Горбачев ва Г. Коль ўртасидаги музокаралар тугаганидан сўнг қабул қилинган Қўшма баёнот, ўртоқ М. С. Горбачевнинг Германия Федератив Республикасининг вице-канцлери Г. Д. Геншер ва Германия Социал-демократик партияси раҳбари Х.-И. Фогель билан учрашувлари, ГФР амалий доиралари билан учрашуви ҳақида хабарлар берилган.

⊙ «Қайта қуришнинг пойдевори» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

⊙ Газетанинг иккинчи саҳифасидаги «Халқ депутати минбари» рубрикали «Одамлар кўзига тик боқайлик» мақоласида СССР халқ депутати, «Октябрь» журналининг бош муҳаррири А. Ананьев сўз ололмаган учун съездда айтолмаган ўз фикр-ўйлари билан ўртоқлашади.

⊙ «Съезд ва экономика ислоҳоти» — «Известия» газетасининг СССР халқ депутатлари съезди якунларига бағишланган бугунги бош мақоласи ана шундай номланган.

⊙ Газетанинг тўртинчи саҳифасидаги «Тундра» мақоласида газета махсус мухбири Леонид Шинкарев Шимол элатларига этник маданиятларини сақлаб қолишда қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида фикр юритади.

⊙ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар ўрин олган.



Қримиздаги чарм-галантерея ва спорт буюмларни бирлашмасининг халқ истеъмол моллари цехи чиқиндисиз ишлаб чиқариш ўтган. Бу ерда технологик хом ашё қолдиқларидан ўнга яқин маҳсулот тайёрланмоқда.

СУРАТДА: бирлашманинг ускуналар бўйича инженери М. Нуриддинов ва халқ истеъмол моллари цехи бошлиғининг ўринбосари А. Ҳамидов.

Р. Шарипов фотоси.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, давлат ва жамоат турар жой фонди ва квартираларни гражданларга сотиш сифатида сотиш тўғрисида» ги 30 декабрда чиқарган 488-қарори эътиро этиш юзасидан Тошкент шаҳар халқ депутатлари ижроия комитети қарор қилди:

давлат ва жамоат турар жой фонди ва квартираларни гражданларга мулк сифатида сотиш, шунингдек сақлаш, ремонт қилиш учун ҳаражатларни тўлаш ва хизмат қилиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.

Депутатлари район Советларининг комитетлари, корхоналар, бирлашмалар ташкилотлар:

гражданларга квартираларни шахсий сифатида сотиш оператив равишда ташкил қилишни, аҳолига сотиш мўлжалланган турар жой бинолари, уларни реконструкциялаш ва капитал қилиш учун архитектура-планлаш бинолари ўз вақтида берилишини таъминласинлар, бунда санитария ва қурилиш нормаларига риоя этилиши назорат ўрнатилсин;

1989 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда маҳаллий Советларнинг ва идоралар балансида бўлган бир ёки бир неча квартираларга мўлжалланган кам қаватли инвентаризация қилишсин. Уйларнинг яхшироқ сақланиши ва уни учун масъулиятни ошириш мақсадида ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришсин;

бир квартирали уйлардаги квартиралар ташиш чоғида коллектив бошқариш ёрдам асосида уйлардан самарали фойдаланиш шароитларини вужудга келтирган шахсий уй эгалари ширкатларини тузишга кўмаклашсинлар.

Шу нарса белгилаб қўйилсинки, давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ҳисобига барпо этилган уйларда квартираларни гражданларга шахсий мулк сифатида сотишдан тушаётган маблағлар Тошкент шаҳри уй-жой-социал банки операция бошқармасидаги 010130701 ҳисобкитоб счётн орқали шаҳар бюджетига ўтказилади, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига барпо этилган уйлардаги квартираларни сотишдан тушаётган маблағлар эса уй-жой, коммунал қурилишига, уй-жой фондини ремонт қилиш ва реконструкциялашга сарфланади.

Илгари идораларнинг балансида бўлган ва маҳаллий Советларнинг фондига ўтказилган квартираларни гражданларга сотишдан тушадиган маблағлар шаҳар бюджетига ўтказилади.

Халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг уй-жой бошқармаси уй-жой фонди камайиши муносабати билан уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларини планининг даромад қисмига ҳар йили зарур тузатишларни киритсинлар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг уй-жой бошқармаси «Давлат ва жамоат турар жой фонди уйларидаги квартираларни гражданларга шахсий мулк сифатида сотиш, шунингдек уларни сақлаш, ремонт қилиш учун ҳаражатларни тўлаш ва хизмат қилиш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низом»дан (мазкур низом бугун газетанинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда) келиб чиқадиган ўзгаришларни ҳисобга олиб бир ой муддат ичида «Тошкент шаҳридаги уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари тўғрисида низом» ни ишлаб чиқсин.

Маҳалладош»— «Оқшом»га йўлдош

Эртага «Тошкент оқшоми»га илова тариқа- а «Маҳалладош» нашри чиқади. У Тошкент ҳар партия комитети ҳузуридаги маҳаллалар олиятини мувофиқлаштириш кенгашининг газасидир.

Маълумки, бу кенгаш маҳаллаларда тўпланган тажрибаларни умумлаштириш, муаммоларни ҳал этиш, олдинда турган вазифаларни кокама қилиш соҳасида муҳим ишларни олиб япти. Кенгаш фаолиятини, айниқса маҳалла- ҳаётини собитқадамлик билан тўлақонли этиш учун ана шу «газетадаги газета»ни чиқариш зарурати туғилди. Тошкент шаҳар парткомитетининг ташаббуси билан чиқарилаётган «Маҳалладош» муштарийлар билан ҳар ҳафта учрашиб туради.

Кажжи газетанинг рубрикалари: «Шаҳар маҳаллалари фаолиятини мувофиқлаштириш тажрибасида», «Сизга ҳам тавсия этамиз», «Удумларимиз ҳақида мулоҳазалар», «Куюнчаклар ҳақидаги», «Ақлнинг кўзи», «Бу киши — биз...», «Кулинг, умрингиз узаяди», «Ойнадан ўнг қаранг», «Маҳалладош» доираси мавзулари ҳам провидан далолат беради. Шубҳасиз, бу рубрикалар ҳам, мавзулар ҳам кенгайиб, ўзгариб боради. Бу, биринчи галда, сиз муштарийларга, «Маҳалладош» мухлисларига боғлиқдир.

Шундай қилиб, оқ йўл «Маҳалладош»!

ДЎСТЛИК МУЛОҚОТИ

Тошкентнинг бешта театр коллективи Америкаининг Флорида штатига гастроллар билан боришга тайёр турибди. Ўзбекистон пойтахтига ҳам шунча театр артистлари гастролга келишлари мумкин бўлур эди. Американинг маданият арбоби Гильберт Лизнер шундай таклифни олға сурди. У Флорида штати билан республикамиз театр арбоблари ўртасида алоқалар ўрнатиш мақсадида Тошкентда бўлди. Конкрет мулоқот сифатида театрлар фестивалини биргаликда ўтказиш ғояси илгари сурилди.

Америкалик меҳмон Тошкент театрлари постановкаларини бориб кўрди. У режиссёр М. Вайлнинг «Илҳом» театр студиясида саҳналаштирилган «Кломадеус», режиссёр Б. Йўлдошевнинг «Ёш гвардия» драма театрида қўйилган «Келинлар қўзғолони» спектаклларига, Б. Тўлаганов раҳбаридаги «Тошкент» театр студияси концерт программасига юксак баҳо берди.

(ЎзТАГ).

Фарғона областидаги воқеаларга доир

Н. И. РИЖКОВнинг

Ўзбекистон телевидениеси мухбири билан суҳбати

Биз Ўзбекистонга сўнгги вақтда пайдо бўлган муаммоларни шу ернинг ўзида аниқлаш учун келдик.

Аввало, месхети туркларини жойлашган лагерга бордик, бошпанасиз, уй-жойсиз қолган ёки уй-жойини ташлаб чиқиб кетган кишилар ана шу ҳарбий полигонда паноҳ топдилар.

Халқ биз билан музокаралар олиб боришга вакил қилган комитет аъзолари билан суҳбатлашдик. Бу музокаралар жуда оғир кечди.

Ҳозир, чамаси, узил-кесил хулосалар чиқариш қийин. Бу бемаҳал чиқарилган хулосалар бўлур эди. Жараёнларни теранроқ таҳлил этиш, энг асосийси, сиёсий жиҳатдан таҳлил этиш керак: республикада ўзи нима бўлди, тўсатдан бир неча кун ичида, яъни 23 майдан ҳозирги кунгача республикада жуда кескин ўзгаришлар бўлишининг боиси нимада, ахир бу кескин ўзгаришлар фожиавий оқибатларга олиб келдику. Бошқа сўз тополмай турибман. Бу ҳақиқатан ҳам фожиали оқибатлардир. 45 йилдан буён ўзбек халқи билан иноқ яшаган халққа нисбатан тўсатдан муайян доиралар шу қадар душманлик қилишибди.

Шуни айтишим керакки, ана шундай фожиага қарамай, назаримда, оғир руҳий аҳволга, мушкул вазиятга тушиб қолган месхети туркларини ҳарқалай ўзбек халқи ҳамиша кўрсатиб келган ҳиммат-мурувватнинг қадрига етмоқдалар.

Улар бугун биз ўзбек халқини айбламаймиз, буни ўзбекларга алоқаси йўқ, демоқдалар. Бу ўринда одамларнинг муайян гуруҳи иш кўрмоқда. Улар ҳукуматдан, партиядан, аслида бизни тўқнаштирган кишиларнинг ўзи кимлигини аниқлаб беринг, деб илтимос қилмоқдалар, биз ҳозир жуда мураккаб шароитга тушиб қолдик, деб таъкидламоқдалар.

Мен республикадаги бугунги аҳволга қуйидагича баҳо бермоқчиман: гарчи, 7—8 июнь кунларидаги сингари ҳатти-ҳаракатлар бўлмасада, Фарғона областида, ҳозир сиз билан биз гаплашиб турган Қўқонда ҳам вазият кескиндир. Ҳарқалай, ишончсизлик бор, одамлар месхети туркларини бошига тушган кулфат бошқа миллатлар бошига тушиши мумкин, деб хавотирланмоқдалар.

Назаримда, энг хавфлиси шу. Одамларда бир-бирларига ишонч бўлиши лозим. Улар неча ўнлаб йил ёнма-ён яшашди ва ҳеч ким ҳеч қачон, миллатинг нима деб суруштирмади. Биз одамлар билан суҳбатлашдик. Иккита фабрикага бордик. Одамлар биз ҳеч қачон ким ўзбек-у, ким рус, ким қрим татари-ю, ким турк деб сўрамаган эдик, деб рўй-рост айтишмоқда. Биз ягона оила бўлиб яшаб келдик ва қўққисдан ана шундай воқеалар бўлди, дейишмоқда.

Ҳуқуқий жиҳатдан биз жуда жиддий хулосалар чиқаришимиз керак бўлади, албатта. Прокуратуранинг энг яхши терговчилари жалб этилиши керак, улар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир ҳодисани синчиклаб ўрганишга киришдилар.

Биз юз берган воқеага баҳо беришимиз керак. Ҳар ким қилмишига яраша жазоланиши керак, албатта. Аммо энг асосийси шуки, бу сиёсий масаладир. Содир бўлган жараёнларни таҳлил этиш лозим. Бир гуруҳ, борингки, бир неча юз гўр йигитлар тўпланиб олиб, бир неча областни қон қақшатибди, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Назаримизда, бу ҳодисанинг илдизлари чуқур бўлиши керак.

Республика партия ташкилоти, бугун-эрта ўтказиладиган активлар йиғилиши, ниҳоят бу ҳодисаларга баҳо беради, деб ўйлайман. Ишончим комилки, коммунистлар Ўзбекистонда ана шундай ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келган сабабларни аниқлай оладилар.

Мен республикада содир бўлган воқеаларни жўн қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Шу воқеаларнинг юз беришига аста-секин олиб келган чуқур илдизлар бор.

Савол: Ҳозир месхети туркларини кўчирилмоқда. Кеча мен ўз репортажимда меҳнатсевар турк халқи, қаерга бормасин, қишлоқ хўжалигини, қишлоқни кўтаради, деб айтган эдим. Мен туркларни ўша ерда муқим яшаб қолади деб айтишни истамаганман. Фурсатдан фойдаланиб, месхети туркларини вақтинча кўчиб кетмоқдалар, деб фикримни ойдинлаштириб қўймоқчиман. Бу халқни ўз ватани— Грузияга кўчирилиш муаммоси қандай ҳал қилинади?

Н. И. Рижков: Вазият қуйидагича қарор топмоқда. Узоқ вақтдан буён месхети туркларини ўзлари бундан 45 йил муқаддам яшаган жойларга, яъни Грузиянинг муайян районларига кўчириш масаласини қўйиб келмоқдалар. Биз, бу масалани ҳал этиш осон эмас, бунинг учун сабаблар кўп, деб изоҳ бердик. Бунинг устига Грузияда ҳам муайян кескинликлар бўлди. Шунинг учун ҳам соддагина қилиб, келинг бу одамларни кўчирамиз, деб саволингизга жавоб бериб бўлмайди. Бу масалани Грузия раҳбарлари билан ҳал этиш лозим.

Олий Советнинг Миллатлар Советида махсус группа, комиссия тузмоқчи, мазкур комиссия манфаатдор республикалар билан биргаликда шу ишни амалга ошириши керак.

Бунинг учун вақт талаб этилади, албатта. Шунга аминмизки, бу масалани тез ҳал этиб бўлмайди. Аммо масала ҳал этилади.

Мутлақо равшанки, 18 минг кишини саратоң жазирамасида, чодирларда, бирон-бир қулайликларсиз ана шу лагерда қолдириб бўлмайди.

Шундай вазият вужудга келдики, ёнма-ён яшаган месхети туркларини билан ўзбеклар ўртасидаги ишончга дарз кетди. Яна шуни таъкидламоқчиманки, содир бўлган ҳодисада бутун ўзбек халқини айблаб бўлмайди. Россия Федерациясининг 8 области месхети туркларини қабул қилишга рози бўлишди. Аммо туркларнинг ғуж яшаш учун уч областта жўнатишни сўрашди.

Агар биз ҳозир одамларни РСФСРга олиб кетаётган эканмиз, бу вақтинчалик тадбирдир. Одамлар бирон-бир жойга муқим яшаш учун кўчиришни илтимос қилишларини тушуниб турибмиз, шунинг учун ҳам биз комитет билан учрашув чоғида ҳам, шундан кейин бўлган митингда ҳам бу вақтинчалик тадбирлар ва масала ҳал этилиши билан одамлар кўчиб ўтишади, деб яна бир карра тасдиқладик. Ҳозирча, бошқа илож йўқ. Болалар нормал яшашлари керак.

Позициямизни комитет ҳам, бутун халқ ҳам қўллаб-қувватлади.

Такрор айтаманки, содир бўлган ҳодисани пухта таҳлил этиш керак. Ишонч, осойишталик барқарор бўлиши лозим. Ўзбекистонда кўп миллат вакиллари яшайдилар. Ҳозир улар ўртасида муайян совуқчилик сезилмоқда. Шунинг оқибатида беихтиёр ишончсизлик уруғи сочилди. Бу ўтиб кетади деб ўйлайман. Халқлар ўртасида бир-бирига катта ишонч, ҳурмат бўлган эди. Келажакда ҳам, чамаси менимча шундай бўлади. Биз бунга аминмиз.

(ЎзТАГ).

Кулфатда қолган халққа ёрдам

Фарғона водийсида бўлиб ўтган фожиали воқеалар тўлиқини ҳали изоҳланиши керак. Бу воқеаларнинг миллатчилик руҳи аниқ кўриниб, кўркўрона жазава муҳити сезилиб турибди. Бу воқеаларга аралашиб қолган оломон бебошлик қилди. Бироқ, тўполончиларнинг ҳаракатларига йўл-йўриқ бериб турган жиноятчилар ҳали қўлга олингани йўқ. Тергов органлари ҳали кўп нарсани аниқлашлари лозим.

12 июнь куни Фарғонага етиб келган Н. И. Рижков ва В. М. Чебриков ишга киришдилар, улар воқеаларнинг бутун манзарасини аниқлаш, шу воқеаларнинг оғир оқибатларини бартараф этиш учун зудлик билан кўриладиган чора-тадбирларни белгилаш мақсадини кўзлаб иш тутмоқдалар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин билан биргаликда Фарғонада ва унинг атрофидаги посёлкаларда месхети туркларининг ўт қўйилган ва таланган уйларини кўздан кечирдилар, безорилик ур-йиқитларини ўз кўзи билан кўрган маҳаллий кишилар билан суҳбатлашдилар.

Фарғона область партия комитетида область раҳбарлари билан, ҳуқуқ-тартиботни ва гражданларнинг хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек қилинган жиноятларни текширишда қатнашаётган иттифоқ ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари билан учрашув бўлди. Кенгаш қатнашчилари бўлиб ўтган воқеаларнинг турли жиҳатларини таҳлил этибгина қолмай, шу билан бирга безори гуруҳларнинг аҳоли бир қисмининг мутлақо монелигисиз ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг пассивлиги шароитида ур-йиқит қилишларига имкон берган ижтимоий муҳит ва сабабларни ҳам таҳлил қилдилар

13 июнь куни эрталаб Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, Р. Н. Нишонов Фарғона яқинида бир неча минг месхети турклари лагери бўлиб қолган ўқув полигонига бордилар.

Н. И. Рижков турк аҳолиси шу қисми маҳаллий комитетининг аъзолари ҳузурида гапирғб, партия ва мамлакат раҳбарияти, М. С. Горбачев Фарғона областидаги воқеаларнинг боришидан жуда та:швишланаётганликларини таъкидлади. Улар безорилар қўлидан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва барча жабрдийдаларга астойдил ҳамдардлик билдирдилар. Фожиа ҳеч қаерда тақрорланмаслиги ва одамлар ўзларини хавф-хатарсиз сезишлари учун имкони бўлган ҳамма ишлар қилинмоқда. Месхети турк аҳолисининг ўз тарихий ватанига қайтиш тўғрисидаги истакларини қондириш имконияти ўрганиб чиқилади, бу кичик халқ бебошлик ва бедодлик йилларида ҳеч бир асоссиз ўз юртидан сургун қилинган эди. Бу масалани кўриб чиқиш учун СССР Олий Совети Миллатлар Советида махсус комиссия тузиш назарда тутилмоқда, бу комиссиянинг ишида барча манфаатдор томонларнинг вакиллари қатнашишлэри лозим бўлади.

Сўнгра лагерда бўлган кўп кишилик митингда Н. И. Рижков, месхети турклари маҳаллий комитетининг раиси Алиев ва комитет аъзоси Фазаилова сўзга чиқдилар. Митинг қатнашчилари адолат ва қонун тантанасига ишонч билдириб, тўполончиларнинг жиноий группаси ўзбек халқи эмаслигини, месхети туркларини қарийб ярим асрдан бери ўзбек халқи билан тинч ва иноқ бўлиб яшаганликларини айтдилар.

Одамларни лагердан кўчириш давом этмоқда.

(ТАСС).

Тошкент область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг ОБЛАСТНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ВА АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Фарғонанинг қадимий тупроғида даҳшатли, фожиали воқеалар юз берди. Ватандошларимиз бўлган кўпгина месхети туркларининг ҳамда турли миллат вакилларининг бегуноҳ қони тўкилди. Халқ манфаатлари ҳамда қайта қуриш ғояларидан бегона бўлган экстремистлар ва фитначилар энг муқаддас ғоямизга — халқларимизнинг дўстлиги ва қардошлигига қарши қўл кўтардилар. Юздан зиёд миллат ва элатлар вакилларининг ўнлаб йиллар давомида ёнма-ён туриб меҳнат қилиб бунёдга келтирган бугунги қувончли ютуқлари кишилар онгидан сўпуриб ташланиши мумкин эмас. Бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш — бутун ер юзи халқларига хос қадимий хислатдир.

Ўзбекистон ерида яшаётганларнинг барчасига нисбатан ҳимматни, олийжаноб анъаналарни, мустаҳкам дўстликни унутиб юборишга ҳаққимиз бормн ахир? Интернационализм, ўзаро ишонч нафақат шиор, балки инсонлар учун энг зарур бўлган буюк қудир. Ўша ишонч йўқолганда унинг ўрнига миллатлараро адоват, миллатчилик, у ёки бу муаммонинг айбдорларини бошқа миллатлар орасидан қидиришдек маҳаллий хусумат юзага келса, бундан фақат ёмонлик кутиш мумкин.

Биз ҳаммамиз юз берган воқеалардан чуқур қайғурмоқдамиз. Қайта қуриш келтириб чиқарган қийинчиликлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун миллатлараро адоват оловини ёқаётганларни, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган минглаб алданган ёшларни бу ишга жалб этаётганларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди ва уларни кечириш мумкин эмас.

Бизнинг областимизда бундай нохуш воқеалар содир бўлаётгани йўқ. Вазият партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тўла назорат қилиб турилибди. Аммо аҳоли ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб борилаётганлигига қарамай бизда ҳам ҳар хил миш-мишлари, ифво гапларни тарқатишга, вазиятни чигаллаштиришга уринаётганлар йўқ эмас.

Ўртоқлар! Бу гапларга ишонманглар. Фарғона водийсида юз берган воқеалардан биз ҳаммамиз аччиқ сабоқ чиқариб олдик ва энди бизда бундай даҳшатли воқеалар такрорланмаслиги учун ҳамма ишни қиламиз. Бунинг учун мавжуд барча куч ва воситалар ҳаракатга келтирилган. Улар қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар областда яшовчи ҳар бир кишининг тинчлиги учун кафолатдир.

Коммунистлардан, ветеранлардан, ота-оналардан, ёшлардан, областнинг ҳар бир аҳолисидан гражданлик бурчига содиқлик, юксак онглилик ва масъулият талаб этилади. Бугуни кунда энг муҳими ортиқча эҳтиросларни сўндириш, ғазаб ва ҳовурдан тушишдир. Шуни унутмаслик керакки, дўстлик ва биродарлик — ҳаётнинг ўз маромига қайтиши йўлидаги барча қийинчиликларни бартараф этиш имконини берадиган ягона кучдир.

Ўзбек ва рус, тожик ва қозоқ, қрим татар ва қирғиз, месхети туркlари ва туркманлар ва бизнинг областимизда ягона оила бўлиб яшаб меҳнат қилаётган бошқа миллат ва элатларнинг вакиллари ягона халқ — совет халқининг, ягона Ватан — Советлар мамлакатининг фарзандларидирлар.

Вақтинчалик эҳтиросни қурол қилиб олган қайта қуриш душманларига бизнинг ленинча ҳақиқат, ленинча адолат ва демократия сари умумий ҳаракатимизни тўхтатишлари учун йўл қўймаймиз!

БИЛДИРИШ

1989 йил 16 июнь соат 10.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти клубида (Ленинград кўчаси, 32) Ўзбекистон Журналистлар союзи ва Тошкент журналистлар ташкилоти правленеларининг қўшма пленуми ўз ишини бошлайди.

Пленумга шу ташкилотлар правленеси ва ревизия комиссияларининг аъзолари, область журналистлар ташкилоти правленеларининг раислари ва секретарлари республика ва область газеталарининг муҳаррирлари, бошланғич журналистика ташкилотларининг секретарлари таклиф этилади.

Пленум кун тартиби:

1. Бошланғич журналистика ташкилотларининг қайта қуриш шароитидаги вазифалари.
2. Ташкилий масала.

Сафардаги ғалаба

Футбол

Ўтган куни биринчи лига командалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Бу турда турнир пешқадамларининг ҳаммаси ўз учрашувларини меҳмонда ўтказишди. Москванинг МАСК коллективи Ригада маҳаллий «Даугава» командасини 4:1 ҳисобида, Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Оржоникидзеда «Спартак» коллективини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишган бўлишса, Олмаотанинг «Қайрат» командаси Бокуда «Нефтчи» клубига қарши тўп суриб, учрашувни дуранг 1:1 ҳисобида якунлади.

Шуни таъкидлаш керакки, тошкентлик чарм тўп усталари Оржоникидзедаги учрашувни кўтаринки руҳда ўтказишди. Учрашувдаги ягона тўпни «Днепр» командасидан пахтакорчилар сафига қайтган Игорь Шквирин 70-минутда дарвозага аниқ йўллади. Пахтакорчилар очколарини 19 тага етказиб, турнир жадвалининг учинчи погонасига кўтарилишди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, яна бир ўйинчимиз Марат Кабаев ҳам пахтакорчилар сафида тўп сурмоқда.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича натижаларни берди: «Торпедо — «Гурия»— 1:2, «Котайк» — «Динамо» (Ст) — 2:2, «Металлург» — «Геолог» — 2:0, АСК (Р) — «Шинник» — 3:3, «Кубань» — «Динамо» (Бт) — 0:0, «Карпаты» АСК — «Кузбасс» — 2:0, «Нистру» — «Факел» — 1:0, «Таврия» — «Ростсельмаш» — — 1:1.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси навбатдаги ўйинни ҳам сафарда ўтказади. Улар Бокунинг «Нефтчи» клубига қарши тўп суришади



«Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикасида самарали меҳнат қилиб келаётган ишчилардан бири Дилором Тиллаевадир. У ўзи тикаётган ҳар бир сўзана, ҳар бир зардеворга алоҳида эътибор билан ёндошади. Смена топшириқларини бажариш билан бирга ярим баробар ортиғи билан бажаришга эришаётган илғор ишчи корхона касаба союзи ҳаётида ҳам фаол иштирок этади.

СУРАТДА: Д. Тиллаева.
Х. Мирзакаримов фотоси.

Давлат ва жамоат турар жой фонди уйларидаги квартираларни гражданларга шахсий мулк сифатида сотиш, шунингдек уларни сақлаш, ремонт қилиш учун харажатларни тўлаш ва хизмат қилиш тартиби ҳамда шартлари тўғрисида

НИЗОМ

1. Давлат ва жамоат турар жой фонди уйларида эгаллаб турилган квартираларни, шунингдек реконструкция ёки капитал ремонт қилиниши лозим бўлган уйлардаги бўш квартираларни гражданларга шахсий мулк сифатида сотиш халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, мазкур уйлар балансида турган бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар маъмуриятининг қарорлари асосида бевосита уй-жойлардан фойдаланиш органлари томонидан амалга оширилади. Янги қурилган уйлардаги квартиралар белгиланган тартибда уларга одамлар кўчиб киргандан кейингина гражданларга шахсий мулк сифатида сотилиши мумкин.

2. Гражданларга квартираларни шахсий мулк сифатида сотиш чоғида шу нарсани назарда тутиш керакки, бир онла фақат бир квартирани ёки якка тартибда қурилган уйни эгаллаш ҳуқуқига эга бўлади, улардаги турар жой майдонининг энг катта миқдори Ўзбекистон ССР Граждан кодексининг 120-моддасида кўзда тутилган нормалардан ошиб кетмаслиги керак. Бу гап ёлғиз гражданларга ҳам тааллуқлидир. Кўп болали оилалар бир вақтнинг ўзида бир уйда биттадан кўп квартирани эгаллаши мумкин.

3. Реконструкция ёки капитал ремонт қилиниши лозим бўлган уйлардаги бўш квартираларни ҳамда эгаларининг жўнаб кетиши муносабати билан бўшайдиган квартираларни уй-жой шароитини яхшилаш учун ҳисобда турган граждалар ҳамда амалдаги қонунга мувофиқ биринчи навбатда уй-жой берилиши ҳуқуқидан фойдаланувчи бошқа гражданлар биринчи навбатда шахсий мулк сифатида сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Квартира сотиб олишни истаган граждалнинг тегишли тартибда уй-жой майдони қарашли бўлган халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитетига, бирлашма, ташкилот, корхонага ариза билан мурожаат қилади.

Ҳар бир алоҳида ҳолда гражданларга бўш квартираларни шахсий мулк сифатида сотиш тўғрисидаги қарор Тошкент шаҳрининг санитария нормаларини эътиборга олиб қабул қилиниши керак.

Гражданиннинг унга квартирани шахсий мулк сифатида сотиш тўғрисидаги аризаси қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

5. Сотилаётган квартираларнинг қийматини белгилаш учун халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ҳузурида албатта молия органлари вакилларининг иштироки билан комиссиялар тузилади.

Мазкур комиссияларнинг состави ва иш тартиби Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Уйлар ва хоналарнинг техник ва санитария аҳволини текшириш ҳамда уларнинг яшаш учун яроқсизлигини тан олиш тўғрисида, шунингдек, уларни бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қайта созлашни ёки бузишни амалга ошириш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 1985 йил 6 декабрда чиқарган 605-қарори талабларига тадбиқан белгиланади.

6. Квартираларга баҳо бериш харажатларини халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, уй-жой фондининг эгаси бўлмиш бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар гражданларга квартираларни шахсий мулк сифатида сотишдан тушаётган маблағлар ҳисобидан қоплайдилар.

7. Янги фойдаланишга топширилаётган уй-жой фондида гражданларга шахсий мулк сифатида сотилаётган квартираларнинг қиймати умумий саҳнинг ҳар квадрат метрини қуриш смета қийматидан келиб чиқиб белгиланади, мавжуд уй-жой фондида эса — эскирганлик учун чегириб ташлаб жорий смета нархларида белгиланади.

Квартира эгаси унинг ободлигини яхшилаш борасида қилган ишларнинг (лоджия ва балконларга ром ўрнатганлиги, полнинг қопламаларини алмаштирганлиги, ваннага кафель қоплаганлиги ва шу каби ишлар) қиймати квартиранинг умумий қийматига қўшилмайди.

Уй-жой фондининг эгаларига уйнинг типини, жойини ва қаватини, ободлиги ва санитария ҳолатини ҳисобга олиб сотилаётган квартиралар қийматининг 10 процентигача миқдорда қўшимча ҳақ белгиланиши мумкин.

8. Квартира қиймати аниқланганидан кейин гражданин (харидор) дастлабки бадални тўлайди, дастлабки бадал квартира қийматининг камида 50 процентини ташкил этиши лозим, шундан кейин у квартира нинг эгасига айланади. Квартира қийматининг қолган қисми 10 йилдан кўпроқ вақт ичида бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективлари кенгашлари қарори билан кўп болали ва кам таъминланган оилаларга кириш бадалининг миқдори квартира қийматининг 30 процентигача камайтирилиши мумкин, қолган қисми сотиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилган кундан бошлаб 15 йил давомида тўланади.

9. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ўзларига қарашли квартираларни сотишни олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирадилар, бу шартнома нотариал тартибда тасдиқланади. Давлат пошлинаси тўлови харажатлари уй-жой фонди эгаси томонидан квартираларни гражданларга шахсий мулк сифатида сотишдан тушадиган маблағ ҳисобига қопланади.

Пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан квартира сотиб олган гражданин навбатдаги икки квартал бадалини тўламаган тақдирда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар квартирани сотиш тўғрисидаги шартномани бекор қилишга ва етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш ҳақида даъвони суд органларига топширишга ҳақлидирлар.

10. Давлат ва жамоат уй-жой фондидан сотиб олинган квартираларнинг эгаларига нисбатан якка тартибдаги уй-жой фонди режими амал қилади.

Қийматининг 50 процентини тўланган квартира қайтадан бошқа одамга бериладиган бўлса, квартира қийматининг тўланмаган қисмини бўлиб-бўлиб тўлаш мажбурияти шахсий мулк ҳуқуқи билан биргаликда квартиранинг янги эгасига ўтади.

11. Якка тартибдаги квартира эгаларининг квартиралари давлат уй-жой фонди уйлари учун белгиланган шартлар билан уйлардан фойдаланиш ва ремонт қилиш ягона қоидалари ва нормаларига амал қилган ҳолда квартира эгаларининг маблағи ҳисобига эксплуатация ва ремонт қилинади.

Барча квартиралар сотиб олинмаган уйларда давлат уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти, бирлашма, корхона ва ташкилот уй-жойнинг инженерлик иншоотларига, жумладан ертўла ҳоналари ва томигача, инженерлик иншоотларининг квартирага туташган қисмини, электр таъминоти системасини эса электр счётчигигача бўлган қисмига хизмат қилади.

12. Квартираларнинг эгалари коллектив бошқариш ва ўзаро ёрдам асосида уйлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш мақсадида квартираларнинг шахсий эгалари ширкатига бирлашишлари мумкин. Бунинг учун улар уйга қараб туриш юзасидан тегишли ташкилотлар билан шартнома тузадилар.

13. Квартиралар шахсий эгаларининг ширкати уйдан фойдаланиш ва бошқариш учун ташкил этиладиган гражданларнинг ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, бирлашма фаолиятини бошқариш аъзолик, ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш, ички демократия ва ҳўжалик жиҳатидан мустақиллик асосида амалга оширилади.

Квартиралар шахсий эгалари ширкатининг бошқариш органи умумий йиғилиш бўлиб, йиғилишлар ўртасидаги даврда ширкатни правление бошқаради.

Ширкат правлениеси уй-жой майдонининг миқдорига ва ишларнинг ҳажмига қараб жамоатчилик асосида ҳаракат қилиши мумкин ёки квартираларнинг шахсий эгалари ширкати аъзоларининг маблағлари ҳисобига сақлаб турилади ва у юридик шахс ҳисобланади.

14. Хусусий квартиралар ва уйларни ситиш харажатларини тўлаш, электр энергия, газ, сув ва канализация билан таъминлаш квартира эгалари томонидан давлат уй-жой фонди учун белгилаб қўйилган тарифларга мувофиқ амалга оширилади, уй-жойларга хизмат қилишни эса хусусий квартиралар эгаларининг ширкати ёки айрим гражданлар билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Квартираларни сотиш билан бевосита шуғулланувчи кишиларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар қарори билан квартираларни гражданларга шахсий мулк сифатида сотишдан олинадиган маблағ ҳисобидан ҳар бир квартира ёки уй қийматининг 0,5 процентигача миқдорида мукофот белгиланиши мумкин.

Квартираларни шахсий мулк сифатида сотиш ҳажмининг кўпайиши муносабати билан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларида, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларда алоҳида структура бўлинмалари ташкил этилиб, улар сотилган квартиралар ёки уйлардан ўша 0,5 процентли ажратма ҳисобига сақлаб турилиши мумкин.

17. Квартираларни гражданларга шахсий мулк сифатида сотиш билан бевосита банд бўлган кишилар зиммасига қуйидагилар юкланиши белгилаб қўйилсин:

Балансдаги бир ёки бир неча оилага мўлжалланган бир қаватли уйларни инвентаризация қилиш якунларини ҳисобга олиш;

одамлар кўчиб кирмаган, аҳолига сотишга мўлжалланган квартиралар мавжуд бўлган уй-жойларни реконструкциялаш ва капитал ремонт қилиш учун архитектура-планлаштириш топшириқлари ўз вақтида берилишини таъминлаш;

квартиралар ва бир қаватли уйларни шахсий мулк сифатида гражданларга сотиш тартиби ва шартларини тушунтириш;

квартиралар ва уйлар қийматининг белгиланган вақтда аниқланишини контрол қилиб бориш;

барча зарур ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда квартиралар ёки уйларнинг олди-сотди шартномаларини нотариал идоралар орқали расмийлаштириш.

Партия маорифи шохобчала

Марксча-ленинча ўқув талаблар даражасида бўлсин

КПСС қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда мафкуравий ишларга фавқулодда катта эътибор бермоқда. У туб иқтисодий ислоҳот ва совет жамиятининг барча соҳаларини демократиялаш билан бир қаторга қўйилган. В. И. Ленин иборaси билан айтганда, мафкура барча янги вазифалар учун зарур бўлган, етарли даражада кенг ва мустаҳкам ишонтириш базасини вужудга келтиришга даъват этилган.

Меҳнаткашларнинг марксча--ленинча ўқуви мафкуравий ишларнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Ана шу ўқувнинг турли кўринишларида миллионлаб одамлар ўз билимларини оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил 15 сентябрда қабул қилган «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарори партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари кўрсатмаларининг амалда ҳаётга жорий этилиши бўлди. Мазкур қарор кадрларнинг назарий тайёргарлигини мустаҳкамлашга, уларни ғоявий-маънавий чиниқтиришга, коммунистларда, комсомолларда, барча меҳнаткашларда юксак сиёсий маданиятни, замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантиришга, уларнинг мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни чуқур идрок этишларига қаратилган. Қарор комплекс хусусиятга эга, у ниҳоятда ҳаётий бўлиб, ўтмиш ва КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумидан сўнг марксча-ленинча ўқув системасида пайдо бўлган барча янги тажрибаларни ижодий идрок этиш асосида тайёрланган.

Қарорда ўқувни қайта қуришнинг мақсадлари очиқ-ойдин баён этилган. Бу мақсадлар В. И. Ленининнинг революцион синфнинг амалдаги етакчиси, илғор отряди бўлиш ниятидаги, бунинг устига биргина пролетарларнинг кенг оммасигагина эмас, меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинаётганларнинг пролетар оммасига раҳбарлик қилишни ўрганмоқчи бўлган коммунистик партия ҳам пропагандист, ҳам ташкилотчи, ҳам агитатор бўлиши лозим, деган фикридан келиб чиқади. Ҳозирги замон сиёсий ва иқтисодий ўқуви биринчидан, революцион янгиланиш ва мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг таъсирчан воситаси бўлиши лозим, иккинчидан, ўқув яхлит марксча-ленинча дунёқарашни, партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни танқидий амалга оширишда онгли равишда иштирок этиш зарурлигини ҳис этувчи ҳар бир меҳнаткашнинг зътиқодини шакллантиришга, учинчидан совет кишиларининг бошдан кечираётган вазиятнинг кескинлигини, ўзгаришлар муқаррарлигини ва уларни кечиктириб бўлмаслигини тушунишларини, социалистик истиқболни янгича кўра билишларини таъминлашга, кадрлар психологиясини партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумларига хос новаторча замонавий ёндошув руҳида қайта қуришга; тўртинчидан, жаҳондаги икки системанинг ғоявий муҳолифлиги шароитида ижтимоий воқеаларни аниқ синфий, интернационал нуқтаи назардан ишлаб чиқиш кўникмасини ҳосил қилишга даъват этилган.

Пропагандист таълим системасининг марказий фигураси ҳисобланади. У ҳамон ўрганилаётган материални яхши тушунтира билиши, тингловчиларни ошкора фикр алмашувга торта билиши, пайдо бўладиган саволларга жавоб бера олиши лозим. Шу билан бир қаторда одамларнинг ғоявий мураббийси бўлишга даъват этилган пропагандистнинг кундалик ташкилотчилик ва тарбиявий фаолияти катта аҳамият касб этмоқда. Пропагандист фаолияти аниқ амалий йўналишга эга бўлиши, сиёсий ва иқтисодий ўқувни беш йилликнинг муайян вазифалари билан боғлаши, ҳар бир тингловчи ўз имкониятларини тўла намоён этишига ўзи меҳнат қилаётган коллективга энг кўп наф келтиришга ёрдам бериши лозим. Областда 11449 пропагандист сиёсий мактаб ва семинарларнинг раҳбарларидир. Пропагандист кадрларнинг интеллектуал имкониятлари етарли даражада юқори, уларнинг 92,4 фоизи олий маълумотга эга, 500 нафардан зиёди фан кандидатлари ва докторларидир. Ҳар уч пропагандистдан бири марксизм-ленинизм университетини битирган.

КПСС Марказий Комитетининг қарорқ сиёсий ўқувни ташкил этишга ёндошувни демократик принциплар асосида ривожлантириш вазифасини қўйди. Шу ўқув йилида область партия комитети партия ташкилотларига тингловчиларнинг қизиқишлари, уларнинг билими савияси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятининг характерини ҳисобга олиб, малакали пропагандистлар сонидан, ўқувнинг моддий базасидан келиб чиқиб, ўқув структурасини мустақил белгилаш ҳуқуқини берди. Шу муносабат билан иқтисодий таълим системасида ўқнётган коммунистлар сони кўпайди. Утган ўқув йилига нисбатан уларнинг сони 11,5 минг кишига ошди, айни вақтда партия ўқуви системасидаги коммунистлар сони 15,5 минг кишига камайди.

Ҳозир бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари секретарларининг, меҳнат коллективлари раҳбарларининг ўқувини 1989—1990 ўқув йилида сиёсий ва иқтисодий таълим тармоқларида соҳалар бўйича, демократик асосда комплектлаш планлаштирилмоқда. Таълим курслари ва кўринишлари янада ҳаётийроқ бўлиши лозим, бунда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни доирасида ташкил этилган меҳнат коллективларининг совети муҳим роль ўйнаши лозим. Янги ўқув йилидан бошлаб пропагандистларни тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб тасдиқлашга, аста-секин пропагандистларнинг сайланишига ўтиш мўлжалланмоқда.

Ўқувни қайта қуриш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг қарорида «Марксча-ленинча ўқув системасини янада такомиллаштириш мақсадларида ўқувни ташкил этишга янгича ёндошувларни изчиллик билан изланиш, экспериментлар ўтказиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва жорий этиш кўзда тутилади» деб ёзилган. Шу муносабат билан 1987—1988 ўқув йилидан областдаги партия ўқуви системасида эксперимент ўтказилмоқда. Ундан кузатилаётган асосий мақсад ўқувга қизиқишни оширишдан, расмиятчиликка, марксизм-ленинизм назариясини ўрганишга жўн ёндошувларга барҳам беришдан, таълимни ҳаёт билан мустаҳкам боғлашдан иборат.

Экспериментнинг бош вазифаси партия ўқувининг назарий, методик ва ахборот даражасини кўтариш ҳисобланади. Область партия комитети ана шу вазифани ҳал этишнинг асосий воситаларидан бири сифатида пропагандистлик ишига областнинг интеллектуал, илмий потенциалини жалб этишни танлади. Жумладан, 16 шаҳар ва районларда ҳар ойда бир марта бир нечта сиёсий мактаб ва семинарлар учун бир йўла олий ўқув юртларининг 267 нафар етакчи олимлари, жамиятшунос педагоглар кучи билан мактаб ва семинарларнинг барча пропагандистлари иштирокида поток лекциялар ўқилмоқда. Шундан кейинги кунларда пропагандистлар семинар машғулотларини муносабатларини, «думалоқ стол»ларини ёки ҳафтасига бир марта бир нечта сиёсий мактаб ва семинарлар учун бир йўла олий ўқув юртларининг 267 нафар етакчи олимлари, жамиятшунос педагоглар кучи билан мактаб ва семинарларнинг барча пропагандистлари иштирокида поток лекциялар ўқилмоқда. Шундан кейинги кунларда пропагандистлар семинар машғулотларини мунозара, «думалоқ стол» теварагидаги суҳбат, баҳс кўринишларида ўтказадилар, яъни лекция машғулотида олинган назарий билимни меҳнат коллективининг амалий вазифалари билан боғлайдилар. Мазкур туркум тингловчиларнинг зачёт ва имтиҳон топшириклари билан ниҳоясига етади. Уларга тўрт балли система бўйича баҳо қўйилади.

Ўқувнинг мазкур кўриниши сиёсий ўқувнинг услубини, мантиқини қайта қуриш зарур эканлигини кўрсатди. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти, Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртларининг илмий даражага эга бўлган айрим педагоглари ўқиган лекциялар ҳақида тингловчилардан қониқарсиз мулоҳазалар олинаётган бир пайтда оддий пропагандистларнинг лекциялари ҳақида нима ҳам деб бўлади. Эндиликда лекцияларга эскича ёндошув, мавҳум мулоҳазалар, далилларга асосланмаган хулосалар, камчиликларни яшириш, кескин масалаларни четлаб ўтиш, ҳақиқатни рўй-рост айтмаслик— буларнинг ҳаммаси тингловчиларни қониқтирмайди. Ошкоралик ва демократиялаш шароитида тингловчилар машғулотларда умумий мулоҳазалар билан чекланишни исташмайди. Улар коллектив равишда фикр алмашишга, кўпгина масалаларни «ечиб берувчи», чалкаш фикрларни тартибга солувчи, ошкора суҳбатга интилишяпти.

Лекция сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган область партия комитетидаги кенгашларда, олий ўқув юртлари партия комитетларининг мажлисларида шу ҳақда атрофлича суҳбат бўлиб ўтди. Жумладан, сиёсий маориф уйи курсининг барча мавзулари бўйича методик ишланмаларни тайёрлаяпти, унда машғулотларни олиб боришнинг фаол усулларига урғу берилади. Шунингдек, турли-туман ахборот материаллари берилади, муаммоли, ҳаётий вазиятларнинг, саволларнинг бир неча вариантлари тавсия этилади, амалий ўйинларнинг сценарийлари, новатор ўқитувчи Шаталов усули бўйича лекцияларнинг тахминий конспектлари таклиф қилинади.

Тингловчиларнинг активлиги ошди, улар ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, жамоатчи уюшмалар фаолиятини такомиллаштиришга доир ўз мулоҳазаларини ва таклифларини эркин ва тез-тез баён этадиган бўлиб қолдилар. Утган йили меҳнат коллективларида сиёсий мактаб ва семинарлар тингловчиларининг 900 дан зиёд ғоялари муҳокама қилинди, шулардан учдан бир қисми амалга оширилди.

Тажриба босқичини ортда қолдирган сиёсий маорифнинг янги системаси бу йил областнинг шаҳар ва районларини қамраб олди. Ана шу ишларда иштирок этиш-этмаслигини танлаш ҳуқуқи бирламчи партия ташкилотлари ихтиёрида қолмоқда. Шундай қилиб, область партия комитетининг ўқув йилида сиёсий мактаб ва семинарлар сонини учдан бир қисми таълимнинг янги кўринишларига ўтди, уларда 41 минг нафардан зиёд тингловчи иштирок этаяпти. Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларидан ташқари Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларидан олим ва мутахассислар — жами 200 нафар жалб этилди.

Поток аудиторияларидаги деярли барча машғулотларида партия, совет ходимлари раҳбарлари иштирок этишяпти. Шуни таъкидлаш керакки, улар шунчаки текширувчи сифатида қатнашчи сифатида фаол иштирок этишларнинг назарий хулосалари муайян амалий ишларга кўчирилмоқда, бу демак машғулотларда «коллектив пропагандист» тарзида ўтказишга ёндошув вужудга келяпти. Бунда асосий масъул ходимлари, область партия комитети секретарлари намуна бўлишяпти, улар ҳар куни областнинг бошланғич партия ташкилотларидаги машғулотларда бўлишяпти.

Энг муҳими, машғулотларни ўтказишнинг кўриниши қандайдир қотиб қолган бир нарса эмас, у мунтазам такомиллашиб бораяпти. Масалан, Ленинобод шаҳрида 19 поток аудитория фаолият турибди, шаҳар Тошкентдан анчагина олисда жойлашгани, шунинг учун олимларни етказиб олиб келиш билан боғлиқ қийинчиликлар пайдо бўлган. Шу сабабли вақтларда улар ярим тунда қайтиб келишган. Ана шунда 19 нафар олимнинг ҳаммасини ҳам бир кунда олиб боришнинг нима кераги бор, пухта тайёрланган тўрт нафарини бир ҳафтага олиб боришга етарли эмасми, деган фикр туғилди. Ушбу фикр асосида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарихи институтининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича кенгаши раҳбарияти қўллаб-қувватлаган ташкилотлардан бири, яъни «Токио Риою Кай» раиси Носими Мидзуками «Рикруто—космос» биржасида рўйхатга олинмаган 10 минг акциядан эга бўлди.

Ўз кабинети аъзолари қасамёд қилдирилганидан кейин С. Уно ўз салафининг сиёсатини ўтказишини айтди, бу сиёсат сиёсий ва солиқ ислоҳотларини, мамлакатнинг чекка районларини ривожлантиришни назарда тутади. Шу муносабат билан Токиодаги сиёсий кузатувчилар фикрича, Уно ҳукуматига Такэситанинг сояси тушиб туради. Гап шундаки, Такэсита илгари бўлганидек, ҳозир ҳам либерал-демократик партиядаги энг катта фракцияни назорат қилиб турибди, Уно эса ана шу партияда таянча эга эмас. Такэситанинг партия ичидаги гуруҳига мансуб бўлган олти арбоб министрлик лавозимларини эгаллашди. Булар орасида Рютаро Хасимотохам бор. У ЛДП бош секретаридек энг муҳим лавозимга тайинланди. Янги бош министр ўзининг программий нутқида сиёсий ислоҳот ўтказиш нияти борлигини айтар экан, сайловчиларнинг ҳукумат сиёсатига ишончсизлигига барҳам беришни назарда тутяпти.

Ҳукмрон партия раҳбарлари С. Унони бош министр лавозимига кўтаришни расмий жиҳатдан асослаб бериш экан, Уно катта дипломатик тажриба ортирган, Япония олдида эса лажакда ташқи сиёсат қилишдек бўлғик бўлган турибди, деб тасдиқлайдилар. Бу ўринда энг йирик капиталистик компаниялар раҳбарларининг июлда Парижда бўлиб ўтган кенгаши ва Америка президенти Буш билан савдо соҳасидаги жаронн бартараф этиш зарда тутилмоқда.

Уно программавий нутқида халқаро муносабатларга тўхталиб, жаҳонда тинчлик ва ҳамкорлик бурилиш босқичида эканлигини таъкидлаб, ўқтирди. Шу муносабат билан у Шарқ ва Ғарб ўртасидаги, аввало, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар анча яхшиланиши, Совет—Хитой муносабатлари нормаллашуви зарурлигини таъкидлади. Уно халқаро майдонда фаолроқ роль ўйнашга деб ўқтирди. Бош министр асосини АҚШ билан муносабатлар ҳамда Осиё—Тинч океан регионидаги ҳамкорлардан бири сифатида Японияни кўрсатиш лажакда ташқи сиёсат қилишдан бўлғик бўлган турибди, деб таъкидлади. Бу ўринда энг йирик капиталистик компаниялар раҳбарларининг июлда Парижда бўлиб ўтган кенгаши ва Америка президенти Буш билан савдо соҳасидаги жаронн бартараф этиш зарда тутилмоқда.

Уно программавий нутқи парламентда бўлган ўнлаб ўнгларда бўлиб ўтган оппозиция, жумладан социалистик партия марказий комитетининг раиси Такако Доиҳ танқидий нигка ажабланмаса керак, деди. Парламентда ҳам бўлиб ўтган энг йирик партиянинг раҳбари сифатида қўйи палатасини ва ўнгларни тезроқ тарқатиб юборишга ва ялпи сайловга даъват этди. Бу унинг назарида, фақат шундай қилинганидагина моатчиликнинг сиёсий арбобларига ишончини тиклаш мумкин бўлади.

Николай ГЕРАСИМОВ
(ТАСС мухбири).

С. ЙЎЛДОШЕВ
Тошкент область партия комитети сиёсий уйининг консультанти.



⊙ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ. Бавария Нюрнберги — буюк немис мусаввири Альбрехт Дюрернинг (1471—1528) ватанидир. Шаҳардаги кўпгина нарсалар шу ерда яшаб меҳнат қилган рассом ва график, Уйғониш даври немис санъатининг асосчиси номи билан боғлиқ.

СУРАТДА: Нюрнбергнинг эски шаҳар қисмидаги ёдгорлик.

Г. Кульбицкий фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ҲАР ТЎРТ ОИЛАНИНГ БИРИ ЖИНОЯТЧИЛАРДАН ЖАБР ТОРТДИ

ВАШИНГТОН. 1988 йилда жиноятчилар Америкадаги ҳар тўрт оиланинг бири бошига кулфат солдилар, АҚШ адлия министрлигининг эълон қилинган статистика маълумотлари шундан далолат бериб турибди. Ана шу маҳкаманинг маълумотларига кўра ўтган йили Америкадаги 22,8 миллион оила қурол ишлатиб талончилик қилиш, калтаклаш ёки номусига тегиш сингари оғир жиноятларнинг жабрини тортдилар. Министрлик тайёрлаган жиноятчиликнинг миллий шарҳида маълум бўлишича АҚШ ғарбидаги аҳоли қонун-қоида бузилишидан кўпроқ жабр кўрмоқда. Ана шу тадқиқотни тайёрлаш чоғида жами 92,9 миллион оиланинг фикри сўралди.

Шарҳчи сат

Ҳукумат янги, сиёсатчи

ЁЗНИНГ бошланиши Японияда янги «сиёсий мавсум бошланиши» билан тўғри келди. Ҳокимият тепасига бош министр Сосукэ Уно маъмурияти келди. У ҳукмрон либерал-демократик партияга бош бўлди ва ҳукумат раҳбари этиб сайланди.

Собиқ бош министр Нобору Такэсита ҳукмрон партия етакчи арбобларининг «Рикруто» компанияси билан ҳуфиёна алоқалари ҳусусида катта жанжал чиқиб кетганлиги муносабати билан апрель ойининг охирида бош министр ва либерал-демократик партия раиси лавозимидан истеъфога чиқиши ҳақида эълон қилган эди.

Консерваторлар анча вақт унинг ўрнини босадиган кишини тополмай туришди. Либерал-демократик партиянинг кекса авлодга мансуб арбоблари ўз ихтиёрлари билан сиёсат юритиш учун етарли ваколатлар олишмагунча, ҳукмрон партиядаги ўткир танглик даврида «нотинч тахтга» чиқишни рад этдилар. Япониядаги сиёсий таомилга кўра, ҳали «ёш», аммо масъул лавозимларда ўзини кўрсатишга уринаётган эллик ёшли сиёсатчилар учун олий мансаблар ишониб топширилмади. Хуллас, Такэсита ҳамда илгариги маъмуриятда ҳукмрон партиянинг бош секретари бўлган Синтаро Абэ тимсолидаги либерал-демократик партия раҳбарияти 66 яшар С. Унони танлашди. Уно Такэсита ҳукуматида ташқи ишлар министри бўлган эди, гарчи бу икки арбоб либерал-демократик партиядаги турлича фракцияларга мансуб бўлсаларда, Уно Такэсита билан кўп йиллар мобайнида «салом-алик»ни канда қилмаган.

Уно бош министр сифатида консерваторларга яна шунинг учун ҳам маъқул тушдики, у «Рикруто» ишига бевосита бош қўшмаган бир қадар «пок» сиёсатчи сифатида намоён бўлди. Ҳолбуки «Рикруто» ишига либерал-демократик партиянинг деярли барча нуфузли арбоблари даҳлдордир. Бу ҳукмрон партия учун жуда муҳимдир. Мазкур партия ўз шаънига тушган доғни хас-пўшлашга уринмоқда ва сайловчиларни пораҳўрлик сиёсатидан воз кечдик. деб ишонтирмоқчи бўлмоқда. Тўғри, Уно либерал демократик партия ва ҳукумат бошлиғи этиб сайланганидан кейин шу нарса маълум бўлиб қолдики, Унони қўллаб-қувватлаган ташкилотлардан бири, яъни «Токио Риою Кай» раиси Носими Мидзуками «Рикруто—космос» биржасида рўйхатга олинмаган 10 минг акциядан эга бўлди.

Ўз кабинети аъзолари қасамёд қилдирилганидан кейин С. Уно ўз салафининг сиёсатини ўтказишини айтди, бу сиёсат сиёсий ва солиқ ислоҳотларини, мамлакатнинг чекка районларини ривожлантиришни назарда тутади. Шу муносабат билан Токиодаги сиёсий кузатувчилар фикрича, Уно ҳукуматига Такэситанинг сояси тушиб туради. Гап шундаки, Такэсита илгари бўлганидек, ҳозир ҳам либерал-демократик партиядаги энг катта фракцияни назорат қилиб турибди, Уно эса ана шу партияда таянча эга эмас. Такэситанинг партия ичидаги гуруҳига мансуб бўлган олти арбоб министрлик лавозимларини эгаллашди. Булар орасида Рютаро Хасимотохам бор. У ЛДП бош секретаридек энг муҳим лавозимга тайинланди. Янги бош министр ўзининг программий нутқида сиёсий ислоҳот ўтказиш нияти борлигини айтар экан, сайловчиларнинг ҳукумат сиёсатига ишончсизлигига барҳам беришни назарда тутяпти.

Ҳукмрон партия раҳбарлари С. Унони бош министр лавозимига кўтаришни расмий жиҳатдан асослаб бериш экан, Уно катта дипломатик тажриба ортирган, Япония олдида эса лажакда ташқи сиёсат қилишдек бўлғик бўлган турибди, деб тасдиқлайдилар. Бу ўринда энг йирик капиталистик компаниялар раҳбарларининг июлда Парижда бўлиб ўтган кенгаши ва Америка президенти Буш билан савдо соҳасидаги жаронн бартараф этиш зарда тутилмоқда.

Уно программавий нутқида халқаро муносабатларга тўхталиб, жаҳонда тинчлик ва ҳамкорлик бурилиш босқичида эканлигини таъкидлаб, ўқтирди. Шу муносабат билан у Шарқ ва Ғарб ўртасидаги, аввало, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар анча яхшиланиши, Совет—Хитой муносабатлари нормаллашуви зарурлигини таъкидлади. Уно халқаро майдонда фаолроқ роль ўйнашга деб ўқтирди. Бош министр асосини АҚШ билан муносабатлар ҳамда Осиё—Тинч океан регионидаги ҳамкорлардан бири сифатида Японияни кўрсатиш лажакда ташқи сиёсат қилишдек бўлғик бўлган турибди, деб таъкидлади. Бу ўринда энг йирик капиталистик компаниялар раҳбарларининг июлда Парижда бўлиб ўтган кенгаши ва Америка президенти Буш билан савдо соҳасидаги жаронн бартараф этиш зарда тутилмоқда.

Уно программавий нутқи парламентда бўлган ўнлаб ўнгларда бўлиб ўтган оппозиция, жумладан социалистик партия марказий комитетининг раиси Такако Доиҳ танқидий нигка ажабланмаса керак, деди. Парламентда ҳам бўлиб ўтган энг йирик партиянинг раҳбари сифатида қўйи палатасини ва ўнгларни тезроқ тарқатиб юборишга ва ялпи сайловга даъват этди. Бу унинг назарида, фақат шундай қилинганидагина моатчиликнинг сиёсий арбобларига ишончини тиклаш мумкин бўлади.

Николай ГЕРАСИМОВ
(ТАСС мухбири).

Адиб ва таржимон

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Ғафур Ғулом ва Қозоғистон Ёзувчилар союзининг Беймбет Майлин мукофотлари лауреати Носир Фозилович китобхонлар «Оқшом», «Саратон», «Туш қаноти билан», «Қорхат», «Шум боланинг набиралари», «Ғалаба йўлларида» романларининг муаллифи, Абай, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов сингари атоқли қозоқ ёзувчиларининг кўплаб роман, қисса, пьеса ва ҳикоялари таржимони, ёш ёзувчиларнинг меҳрибон ва талабчан устози сифатида яхши биламиз.

Мухбиримиз олтмиш йиллик ҳаёт йўлининг салкам қирқ йилини ижодга бахш этган адиб билан учрашди.

Суҳбатимизни мана шундай бир савол билан бошлаган эдик: Носир Фозилов деган ном газета-журнал саҳифаларида пайдо бўлган эди!

Эсимда бор, 1951 йил САГУ (ҳозирги ТошДУ) филологияси факультетининг 1-курсига ўқирдим. Худди ўша йили машҳур қозоқ адиби Мухтор Авезовнинг «Абай» романининг биринчи китоби ўзбек тилида чоп этилди. Бу — Зумрад, Абдулла Қаҳҳор муҳаррирлик қилганди. Романнинг таржимаси ҳаммамизни қўрғон-кечирганларимиз умр бўйи бизга асқотиб келяпти, десам хато қилмасам керак. Қийналганларимиз тўғри. Аммо сира руҳан тушкунликка тушмаганмиз. У пайтларда халқлар дўстлиги, интернационализм деган гаплар, шиорлар чақириқлар йўқ эди. Биз ўзбек, қозоқ, рус, ҳатто поляк болалари бирга эдик. Далаларда бирга ишлардик. Ака-укадек бўлиб кетгандик. Қувончу ташвишларимиз ҳам муштарак эди. Кейинчалик англаб етдим: кишилар бир-бирига ҳамдард бўлгандагина яқинлашиб кетаркан.

— Носир ака, сиз бадиий ижод соҳасида жуда кўп «кўйлак йиртган», тажрибали адиб сифатида ижодкорларга қандай тилак билдирган бўлардингиз!

— Аввало, ижодий иш ҳамиша силлиқ кечавермайди. Баланд-пастликлари кўп бўлади. Бу йўлда қунт, чидам ва сабот керак. Айтганидан қолмайдиган, ўжар қаламкашлар йўқ эмас. Улар сиз айтганингиздек, кўпроқ «кўйлак йиртган» акаларининг маслаҳатларига қулоқ тутсалар ёмон бўлмайди. Минбар талашиб, бақир-чақир қилиш ёзувчига ярашмайди. Минбарда айтилган гапни 60 киши эшитиши мумкин, аммо китоб саҳифаларига жо қилинган «дард»ни 60 минглаб кишилар ўқияжагини унутмаслигимиз керак. Зеро, «Ёзувчи» деган сўзнинг ўзаги «ёзув». Демак, ёзиш, меҳнат қилиш керак. Шу йўлда уларга сабот тилайман!

— Яна бир савол: бундан ўн йил муқаддам сизга «50 ёшга тўлибсиз, кўнглингиздан қандай туйғулар кечаяпти!» деган савол бергандик...

— Бу саволга ўн йил ўтибди. Утган ўн йил давомида ўқувчиларимга арзигулик бирон-бир йирик асар беролмаганим сал кўнглимни ўкситади. Аммо бир тасаллим бор. Бу ҳам бўлса, кўплаб ёзувчи, журналист укаларим бор. Шогирдим деёлмайману, аммо уларга бирон ёрдамим, бирон нафим тегканидан доим миннатдор бўлиб юраман.

Улуғ Абай айтмоқчи, «Шогирдинг, қаламкаш укаларинг юзида табассум кўрсанг, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда. Шунақа пайтларда, уларга бирон маслаҳатим, асарларини чоп этишда кўрсатган ёрдамимдан суюниб кетаман

— Демак, ўша шогирд-укаларингиз яратган асарларда сизнинг ҳам ҳиссангиз кўп. Бир қараганда, табиат бировга куч-қудрат, бировга ҳуш, бировга тўғма истеъдод, бировга эса саҳоват ато этаркан. Сиздаги ана шу саҳоват бир умр ҳамроҳингиз бўлиб қолсин.

— Раҳмат!

Суҳбатни
Эркин УСМОНОВ ёзиб олди.



⊙ **ЛЕНИНГРАД.** Юз ўттизта ихтиро ва олти капиталистик давлатга сотилган ўн саккизта патент — техника фанлари доктори С. А. Кравченконинг чорак асрдан зиёдроқ ижодий фаолиятининг самарасидир. «Д. И. Менделеев номидаги Бутуниттифоқ метрология илмий-тадқиқот институти» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси энергетика миқдор ўлчовлари лабораториясининг раҳбари Святослав Анатольевич мамлакат электротехникасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

СУРАТДА: лабораторияда навбатдаги синов ўтказилмоқда.

* * *

⊙ **ОРЕНБУРГ.** Камдан-кам киши сеҳргарликнинг уч турини ўзлаштирган бўлади. Шундай одам топилсаю, у атиги ўн тўрт ёшда бўлса бу яна ҳам ажабланарлидир. Оренбурглик Вася Варюхиннинг программасидан ҳозир кўзбоғловчилик, турли предметлар билан ўйин кўрсатиш, сеҳргарлик ўрин олган.

СУРАТДА: В. Варюхин ансамбль раққослари билан сеанс ўтказмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Жонажон Ватан бўйлаб



Яхши фазилат—инсоний зийнат

Чин сўз—гавҳар

ДУНЁДА энг ёмон иллат нима деб сўрашганда, ёлғончилик, дейишган экан. Ёлғоннинг умри қисқа деймиз, аммо ана шу қисқа «умри»да у жуда катта ғавғоларга сабаб бўлади. Катта-катта ғулғулалар келтириб чиқаради, кишиларнинг асабини бузади. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ дейдилару, аммо ёлғончилик даҳмазасининг асорати чакки эмас, дилни зиндон, кайфиятингни хуфтон қилади.

Ёлғоннинг умри қисқа бўлса ҳам, заҳари ҳаммага маълум бўлса ҳам ҳамон давом этаяпти. Афсуски, ёлғончилик замонга ҳам мослашиб, такомиллашиб олади. Ёлғончиликнинг такомиллашганлигини, тобора «бойиб» бораётганлигини, бизни лол қолдириб чиройли иборалар, ёқимли жумлалар билан пардаланганлигида кўрамиз.

Ёлғоннинг маъноси пуч бўлгани сабабли, у ўта заруларидир. Аммо ёлғонни бирдан англаш ҳам қийин. Кичкина ёлғонга ёлғоннинг қўшилиши, қайтадан ишланиши натижасида одам ишонадиган даражадаги «рост» гапга айланади. Бу «рост» гапга жуда кўп кишилар ишониб, нотўғри тушунчалар ҳосил қилади. «Агар ёлғон ҳам ҳақиқат сингари бир хил бўлганда-ку, аҳволимиз анча енгилларди, — деб ёзган эди француз файласуфи Монтень. — У ҳолда биз ёлғон сўзлаётган одамнинг гапини тескари тушуниб қўя қолардик. Лекин ҳақиқатнинг акси бўлган ёлғоннинг минглаб қиёфаси бор ва унинг ҳад-чегараси йўқ».

Ёлғоннинг яна бир кўриниши, кичик, реал бўлган воқеаларга ёлғон-яшиқни ёпиштиришда намоён бўлиб, кичкинагина «учқун» ёлғончиларнинг қўшиб-чатиши натижасида жуда катта алангага айланади-ки, унинг ўти дучор бўлганларни шафқатсиз куйдиради, яъни уларга нотўғри маълумот билан таъсир қилиб тескари тушунча ҳосил қилади. Ҳатто табиий офатлар натижасида кўнгилсиз воқеалар содир бўлиб бирорта уйни ёки кўчани сув босса, ёлғонни унга тўн кийгизиб: «Ана, палон вилоятни сув олиб кетибди», деб ваҳима тарқатади. Шунинг учун ҳам ёлғоннинг ёмон одат эканлигини белгиловчи фактлардан яна бири, унинг ваҳималилигидадир. Ваҳимага ёлғон қўшилса, бу жуда ҳам ёмон, чунки ваҳимали ёлғон тингловчисининг роса мазасини қочиради. Атрофдагиларда ҳам турли-туман чалкаш фикрлар пайдо қилади. Мабодо табиий офат ёки бошқа бирор сағалгина кўнгилсиз воқеа содир бўлса, ёлғончи-ваҳимачиларнинг чироғи бемай ёниб, бирга ўнни қўшиб жуда «чангитадилар». Кишилар ўртасида нотўғри маълумотларни тарқатиб одамларни ваҳимага солиб, умр асабини қақшатади. Жамиятимизга катта зарар келтирадилар. «Чала ҳақиқат—ёлғондан хавфли, — деган эди немис адибларидан Теодор Гиппель, чала ҳақиқатга қараганда ёлғонни аҳратиш осон, чала ҳақиқат эса сездирмаслик учун икки ҳисса кучлироқ ниқоб кийиб олади». Бунга ўхшаган чала «ҳақиқат»лар атрофга кўпирган ёлғонни тарқатиб, кишилар тушунчасида ваҳималар қўзғатади.

Очиғи, чала «ҳақиқат»ларнинг яна бир хавфли томони, мамлакатимиздаги у ёки бу аҳволни таҳлил қилишда содир бўлмоқда. Айниқса, қайта қуришдаги қийинчиликлар атрофида ваҳимачиларнинг «оҳ-воҳ», «дод-вой»лари кўпайиб қолди. Улар кишилар ўртасида қайта қуришга шубҳа туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакатимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши йилларида ваҳимачи-ёлғончиларни олий жазо билан жазолашган. Чунки уларнинг зарари ниҳоятда катта бўлганлиги учун ҳам шундай қатъий чора қўлланилган.

Ҳозирда демократия ва ошкораликка кенг йўл очилган даврда ниқобланган ваҳимачиларнинг тили узуноқ бўлиб қолди. Ҳатто катта-катта йиғинларда жамиятимиздаги камчилик ва нуқсонларни қўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ўша камчилик ва нуқсонлар атрофида шовқинлар кўтариб, жамоатчиликнинг нотўғри фикрини туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, миллий масала соҳасида шов-шувлар кўтармоқдалар. Ана шу зиёлиларимиз камчилик ва нуқсонларни санаш билан кифояланмай, балки шуларни йўқотиш йўлларини кўрсатиб берсалар жамиятга фойдалироқ бўларди. Муштарак бирлигимиз, монолит жипслигимизга путур етадиган шов-шувлар ваҳимали шуҳалардан халқимизга ҳеч қандай фойда йўқ. Аксинча, кишилар кўнглида ҳар хил гумонлар пайдо қилиб, сабабсиз ғала-ғовурларни пайдо қилади ва умум ишига катта путур етказади.

Яна ёлғончиликнинг бир томони борки, дуппа-дуруст одамларнинг ёлғон гапиришидир. Бу нуқсон унинг обрўйини туширади. Унга нисбатан кишида ички нафрат пайдо қилади. Бальзак шунинг учун: «Инсонни айни шу ёлғончилик таҳқир этади», деган эди. Шуларни ўйлар экансан, ёлғончилик кишининг обрўйини тўкса ҳам, уни бебурд қилса ҳам, барибир айрим кишилар ёлғонни ишлатаверади. Шунинг учун ёлғон инсон жисмига жуда мустаҳкам ўрнашиб олиб, ундан қутилиш осон эмасга ўхшайди. Худди А. П. Чехов ёзганидек: «Ёлғончи ўлаётганда ҳам ёлғон гапириб ўлади». Аммо бу фикрдан, ёлғончиликдан қутилиб бўлмас экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Агар киши астойдил ақл-фаросатни ишга солиб, инсонийлик шарбатларидан баҳраманд бўлса ушбу иллатдан холис бўлиши мумкин. Иродасиз, лапашанг кишилар учун ёлғончилик иллати ажралмас бало бўлиб қолаверади.

Ёлғончилик аксарияти заиф кишиларнинг қуролидир, чунки ўзининг камчилик ва нуқсонларини ёлғон-яшиқ гаплар билан бекитади. Лақмалар ёлғончилар учун жуда ўнғай нишондир. Уларни хоҳлаганча лақиллатади. Ёлғон лақмалар учун гўё рост бўлиб туюлади ва уни ҳар томон тарқатади. Мана, кўрибсизки ёлғон қуюндек бутун оламга тарқалаверади. Ёлғоннинг яна бир ярамас томони, унинг соҳиби ёлғонни ўз манфаати учун ишлатади.

Ҳаёт шуни исботлаганки, ёлғончи қулгига қолиб, халқ ҳафратига дучор бўлади. Чунки бугун ёки эрта ёлғон фош бўлиб, шарманда-ю шармисори чиқади. Шунинг учун доно халқимиз «Бошингга қилич келса ҳам рост гапир», деб бежиз айтмаган, зеро чин сўз гавҳар эканини дилга жо этишимиз керак.

Мусақул УСМОНОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

Илмий муассасаларда

Самарали изланиш

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти лабораторияларида ва даволаш масканларида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Бу шифобахш тадқиқотларнинг кўпчилиги ижобий якунланиб, мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Институтнинг етакчи мутахассисларидан Т. Ўнгбоев, Б. Миразимов ва бошқалар қўлга киритаётган ютуқлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, травматолог Б. Миразимов машҳур шифокор профессор Илизаров изидан бориб даволаш ишларини олиб боришда комплекс-дистракцион методдан кенг фойдаланмоқда. Ўзбек шифокорининг самарали изланишлари бу методни такомиллаштириш имконини берди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида илмий муассаса тажрибакор мутахассислари ишлари учун Бутуниттифоқ миқёсида 7 та ихтиročчилик авторлик гувоҳномаси берилди. Муолажа ишларини ташкил этишнинг қатор янги усул ва методлари амалиётга тадбиқ қилинди.

Бир неча йилдирки, илмий даргоҳ Бутуниттифоқ травматология ва ортопедия институти билан яқин алоқа боғлаб келмоқда. Медицинанинг шу соҳаси билан шуғулланаётган Киев ва Харьков шаҳридаги илмий муассасалари билан ҳамкорлик ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Шуниси қувонарлики, институт тажрибакор илмий база сифатида ҳам танилиб қолди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан бу ерга кўплаб касбдош шифокорлар келиб, қатор янгиликларни ўрганиб қайтдилар. Америка Қўшма Штатлари, Япония травматологларига ҳам институт коллективи олиб бораётган изланишлари манзур бўлди. Ҳиндистон ва афғонистонлик мутахассислар яқинда Тошкентга келиб, институт орттирган бой тажрибалардан баҳраманд бўлдилар.

А. АЛИЕВ.

«Жанговар самбо» клубида

Тошкент алоқа политехникумининг 3 та ётоқхонасида яшаётган студент-ёшлар жисмонан соғлом бўлишлари учун барча шароитлар муҳайё. Спорт майдончаси ва замонавий жиҳозланган 2 та залда эрталабки бадантарбия, ритмик гимнастика, шунингдек баскетбол, волейбол, стол тенниси каби спорт турлари билан шуғулланиш мумкин.

— Мен ўзим ўрта мактабда ўқиётганимда жисмонан заиф эдим, — деди автоматлаштириш-электр алоқа бўлими бошлиғининг ўринбосари, СССР спорт мастерлигига номзод Жамолиддин Еқубов. — Ҳарбий хизматни ракета қисм қўшинлари сафида ўтаганман. Дастлабки жисмоний тайёргарликдан жуда қийналдим. Кейинчалик взвод командири, самбо бўйича СССР спорт мастери Николай Прохор кўмагида сиёсий ва ҳарбий тайёргарлик аълочиси бўлиб етишдим... Билим даргоҳидаги йигитларни Армия сафига тайёрлаш мақсадида ўтган йили «Жанговар самбо» ҳарбий-спорт клубини ташкил этдик.

Чиниқтириш!.. Клубнинг асосий мақсади ана шунга қаратилган. Программада белгиланган умумжисмоний тайёргарлик, 5 километрли кросс, туристик походлар, турли спорт мусобақалари қатъий график бўйича олиб борилаяпти. Ўсмирларга қўл жангидан ташқари спорт массажи ва чиниқиш усуллари ҳам ўргатилмоқда.

— Клубга ёзилган пайтимда анча нимжон эдим, — деди 2-курс талабаси Ғ. Қаюмов. — Ўтган вақт ичида жисмонан бақувват бўлдим.

— Менда эса ўзимни ҳимоя қилишга бўлган ишончим ортди, — суҳбатга қўшилди Ш. Йўлдошев. — Илгари армия сафида десантчи бўлиб хизмат қилганларга ҳавасим келарди. Ҳозир клубимиз аъзолари улардан қолишишмайди. Шунга ўхшаш фикрларни Б. Казаков, Ф. Шафиев, С. Абдумажидов, О. Отақуловлар ҳам билдирдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, машғулотлар ёз бўйи давом этаверади. Ҳозиргача клуб аъзолари икки марта Чимён тоғига саёҳат уюштирдилар. Улар таълим олаётган группаларда эрталабки бадантарбия ва спорт турлари билан шуғулланиш бирмунча фаоллашди.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Чиқитдан маҳсулот

⊙ Тошкент чинни заводида чиқитга чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми қайта лойга қўшилиб буюмлар тайёрлаш учун ишлатиларди. Бироқ қолган чиқиндиларчи? Кейинги пайтда брак маҳсулотлар камайсада, яроқсиз материалларни қайта ишлаш муаммо бўлиб турарди.

Завод рационализаторлари томонидан ишлаб чиқилган тадбир туфайли чиқиндилар миқдори кескин камайди. Энди ишлашга яроқсиз материаллардан турли хил ҳажмдаги плиткалар тайёрланмоқда. Дастлабки беш мингта плиткалар заводнинг эҳтиёжига ишлатиляпти. Деворларга қопланадиган бу қурилиш материалини тайёрлаш тўлиқ ўзлаштирилиб, миқдори кўпайгандан сўнг бошқа корхоналарга ва савдо тармоқларига чиқариш планлаштириляпти.

Ш. САДРИДДИНОВ.

Луқма

ОТЧОПАРДА ИШҚИБОЗЛАР НЕГА КАМ?

Яншанба куни Тошкент отчопарида бўлдик. Мусобақалар бошланишига саноқли дақиқалар қолган бўлишига қарамай, ишқибозлар оз эди. 5-6 минг кишига мўлжалланган жойда нари борса 400 нафарга яқин томошабин ўтирибди.

— Тошкент отчопарида биринчи бўлишим, — дейди Сергей Геннадьевич Часовитин ўзини таништирар экан, — Оренбургдан келганман. От спортига қизиқишим катта.

Суҳбатга қашқадарёлик Бойназар Абдураҳмонов қўшилди:

— Мен эса чавандозман, кўпкариларга таклиф этишади. Кейинги пайтда наслдор отлар камайиб кетаяпти.

— Сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Менимча, кўп жойда от етиштириш билан шуғулланиш учун шароит етарли эмас. От спортига қизиқишнинг сўниб бораётгани ҳам шундан бўлса керак.

Бу пайтда беллашувлар авжига чиқди. Қозоғистон ССР, Новонникольский совхозидан «Ролик», республикамиздаги от спорти мактабидан «Азиз», шунингдек «Талисман» лақаблари тулпорларда А. Нурметов, М. Злобин ва А. Ледяевлар югуришда енгиб, ғолиб бўлишди. Спортчилар тайёргарлик кўраётган майдончада эса чавандозлар ўз шогирдларига турли кўрсатмалар беришарди. Улардан бири, Жиззах шаҳридаги 76-от заводининг • 1-категорияли тренери А. Қодиров қуйидагиларни гапириб берди:

— Биз пойтахт аҳолисига ўз маҳоратимизни кўрсатиш учун узоқ масофани босиб келаяпмиз.

Бундан ташқари ҳар бир от учун кунига 3 сўмдан ижара ҳақи тўланаяпти. Ишқибозлар эса негадир оз. Бугунги кунда от боқиш муаммоси ҳақида албатта гапиришимиз зарур. Чунки яйловлар етишмайди, борларида ҳам чорва моллари боқилаяпти. Тўйимли озуқа бўлмагач, тойлар яхши ўсмайди.

Тошкент отчопарида шанба ва яншанба кунлари меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. Қизиқарли мусобақалар, турли хил аттракцион, отда сайр, шунингдек музқаймоқ ва салқин ичимликлар савдоси ташкил этилган. Раҳбарлар ишчи-хизматчиларнинг оммавий ташриф буюришларини таъминлашса бўлгани. Бунинг учун озгина қунт ва эътибор керак, холос.

А. АБРАЕВ.

Шаҳримиз театрларида

«Гул ва Наврўз»



Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театри коллективи кейинги пайтда бир қатор янги спектакларни томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Собир Абдулла ҳамда Музаффар Муҳамедов асари, Тўхтасин Жалилов ва Георгий Мушель музикаси асосида яратилган «Гул ва Наврўз», Марцинкявичус асари бўйича саҳналаштирилган «Прометей» спектакллари шулар жумласидандир.

«Гул ва Наврўз» спектаклига Лутфийнинг машҳур достони асос қилиб олинган. У муҳаббатнинг қудратини, адолат ва тинчликни тараннум этади. Асардаги бош ролларни Меҳри Бекжонова, Турғун Бекназаров, Рустам Маъдиев, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Маҳмуджон Ғофуров, Фароғат Раҳматова ва бошқалар ижро этишган. Айниқса, Гул (М. Бекжонова) ва Наврўз (Т. Бекназаров) ижросидаги ёқимли ва жарангдор қўшиқлар тингловчини мафтун этади. Асардаги ҳар бир эпизод синчковлик билан ишланган. Кийимлар, саҳна безаклари асар руҳига мос. Ҳар бир образнинг ўзига хос талқини, ифодаси бор.

— Муқимий театрининг қаддини Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Музаффар Муҳамедов, Собир Абдулла каби санъат фидойилари кўтариб кетишган эди, — деди академик Комил Яшин спектакль премьерасида, — афсуски кейинги пайтларда илгариги руҳ кўринмаётган эди. Бугун эса ўша файз тикланаётганининг гувоҳи бўлдим. Бугун саҳнага кириб келган янги бир руҳ мавлоно Лутфийнинг ўлмас асари туфайлидир.

Маълумки, театр шу йилнинг охирида ўзининг 50 йиллигини нишонлайди. Шунинг учун ҳам театр коллективи юбилейга муносиб ҳозирлик кўриш, томошабинлар эътиборини қозониш йўлида жиддий изланмоқда.

Театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев шундай деди:

— «Гул ва Наврўз» асари биринчи марта 1966 йилда Фарғонада режиссёр З. Маъдалиев томонидан саҳналаштирилган эди. Аммо пойтахтда у биринчи марта саҳна юзини кўрди. Томошабинларнинг эътибори бизни шу йўналишдаги ишларни давом эттиришга, яъни классик адабиётимизнинг нодир намуналарини саҳналаштиришга даъват этади. Шу кунларда биз Ҳ. Ғулом ва Ш. Шоҳимардоновларнинг «Муҳаббат навоси», Ё. Худойқулов ва С. Жалилнинг «Кампир кетармиш», М. Бобоев ва Ҳ. Раҳимовларнинг «Эр ва хотин» музикали драмаларини устида иш олиб бораяпмиз. Ниятимиз талабчан томошабинларнинг дидига мос саҳна асарларини яратишдир.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
А. ЮНУСОВ.

СУРАТДА: спектаклдан бир саҳна. Наврўз — Т. Бекназаров, Гул — М. Бекжонова, Худойчи — А. Бекжонов.

С. Коган фотоси.

15 ИЮНДАН
МЕДИКЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК
НАМОЙИШИ УТАДИ

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
15—16 июнда — СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГ.
17—18 июнда — МИКРОХИРУРГЛАР.
«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
15—16 июнда — СССРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ.
17—18 июнда — ҲАЁТГА ҚАЙТИШ.
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
15—16 июнда — ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ — БАРЧА УЧУН.
17—18 июнда — САҲРО ВА ТОҒЛАРНИНГ ЁВУЗ РУҲИ.
«ТИНЧЛИК» КИНОТЕАТРИДА
15—16 июнда — ХАВФЛИ ШИШНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ҲАЁТНИ АСРАЙДИ.
17—18 июнда — УЗОҚ УМР СИРЛАРИ.
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
15—16 июнда — БЕШ МИНУТ ҲАЁТ ВА МАМОТ ОРАЛИҒИДА.
17—18 июнда — УЗОҚ УМР СИРЛАРИ.
М. ШАЙҲЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
15—18 июнда — ҚОН БЕРИШ — ҲАЁТНИ АСРАШ ДЕМАКДИР.
К. ЕРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
15—18 июнда — БЕШ МИНУТ ҲАЁТ ВА МАМОТ ОРАЛИҒИДА.
«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
15—18 июнда — ҚОН БЕРИШ — ҲАЁТНИ АСРАШ ДЕМАКДИР.
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ.

Ярашибди ўзингизга кўркам дуррачангиз

ЁРҚИН ГУЛЛИ ДУРРАЧАЛАР СИЗНИ ҚУЕШНИНГ ЖАЗИРАМА НУРЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ, ДИД БИЛАН ТАНЛАНСА, ЎЗИГА ХОС ЁЗЛИК АНСАМБЛНИ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ.

Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси хотин-қизларга турли-туман рўмолларни: енгил, чиройли, ҳар хил гуллар солинган, крепдешин, крепжоржет, крепшифон, метанитли шаффоф, штапель ва ип-газлама рўмолларни таклиф қилади. Уларнинг нархи 96 тийиндан 13 сўмгача.



ТОШКЕНТДАГИ «УЧҚУН» ТЎҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ДИҚҚАТ!

Тошкент шаҳрида янги очилган
«ИНТУРИСТ» МЕҲМОНХОНАСИГА
конкурсли асосда
«ОФИЦИАНТ» ва «ОШПАЗ» касблари бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРГАРЛИК ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 24-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА ЮРТИ БАЗАСИДА ЎТАДИ.

«ОФИЦИАНТ» касби бўйича ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, ўрта маълумотли 30 ёшгача бўлган эркаклар қабул қилинади. **Ўқиш муддати — 10 ой;**

«ОШПАЗ» касби бўйича ўқишга ўрта маълумотли 30 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқувчилар ойига 70 сўм стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1989 ИИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш ҳақидаги аризалар 25 августгача қабул қилинади. 24-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилиши керак: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасаси томонидан берилган медицина справкаси (086/У форма), 4 дона фотосурат (3х4 см.).

Ўқувчиларни конкурсли сайлаб олиш — 20 августдан 25 августгача.

Ўқувчилар сафига қабул — 22 августдан 25 августгача.

Ҳужжатлар ҳар сешанба ва пайшанба кунлари соат 15 дан бошлаб 17.00 гача қуйидаги адресда: СССР Интурист давлат комитетининг Тошкент шаҳридаги бўлими кадрлар бўлимида қабул қилинади: Совет кўчаси, 2-уй, 18-хона. Телефонлар — 33-80-68, 33-20-22.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
42-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989 — 1990 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: сигареталар ишлаб чиқариш, машина ва агрегатларнинг оператори, токарь, электр пайвандчи, слесарь-ремонтчи.

Машғулотлар группалар комплектлашувига қараб бошланади.

Билим юртига ўрта маълумотга эга бўлган Тошкент шаҳри, шаҳарга яқин районларда яшовчи ва Совет Армияси сафида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида уларга ишлаб топган маошининг 50 проценти берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло битирган ўқувчиларга олий ўқув юртларига киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 4 та фотосурат (3х4 см.).

АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (8, 24, 51, 91, 72-автобуслар; 2, 22, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефонлар: 34-37-13, 34-57-13.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Сўраган эдингиз...

Қанча жарима тўланади?

Ҳурматли редакция! Маълумки, СССР Олий Советн Президиумн «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик юзасидан СССР қонунчилигига қўшимча ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди. У 1989 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга кирди. Айтингчи, ана шу қонунга биноан қандай қоида бузарликлар учун неча сўм жарима тўланади! Мумкин бўлса, ана шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

И. ХОЛБОЕВ,
архитектор.

Шу йилнинг июнь ойидан бошлаб ҳайдовчи билан ГАИ ходимининг ўзаро муносабати янгича бўлди. «Йўл ҳаракати қоидалари»ни бузганлиги учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг янги Фармонида йўлдаги «ўзбошимчаликлар»га бериладиган жазо аниқ чегараланган. Янги қоидага риоя этишлари учун ҳайдовчиларга ёрдам тариқасида қуйида уларнинг диққатига жарималар жадвалини ҳавола этмоқдамиз.

Қуйидаги йўл ҳаракати қоидалари бузилганда	Жарима (сўм ҳисобида)
Ҳаракат тезлигини оширгандa	10
Светофор ёки регулировкачининг таъқиқловчи сигналига риоя этмаганда	10
Йўл белгиларн ёки йўл чизиқларн талабларига риоя этмаганда	10
Ҳаракатланиш имкониятига эга бўлганга халақит қилганда	10
Одамлар ташиш қондасини бузганда	10
Қувиб ўтиш қондасини бузганда	10
Жамоат транспорти бекатларн ёки йўловчиларнинг ўтиш жойлари қондасига риоя этмаганда.	10
Ёритиш приборларидан фойдаланиш қондасини бузганда	10
Юқорида таъкидланган қондабузарликлар агар авария ҳолатига олиб келса	20—50
Милиция ходимининг тўхтатганлик талабини бажармаганда	20—50
Механик транспорт воситасининг тормозн ёки рул системаси носоз ҳолда бошқарганда	5
Механик транспорт воситасининг тегишли рухсатсиз қайта жиҳозлаганда	5
Механик транспорт воситасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмай бошқарганда	5
Механик транспорт воситасининг давлат техник кўригидан ўтказмай бошқарганда	5
Хавфсизлик тасмаси ёки мотошлемдан фойдаланиш қондасини бузганда	5
Мотоцикларда ва шунга ўхшаш транспорт воситаларида группа-группа бўлиб юриб, аҳолн пунктларида йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф туғдирганда ёки ҳаракатга халақит берганда	50
Темир йўл переездидан ўтиш қондасини бузганда	30
Юқорида қайд этилган барча қондабузарликлар агар авария, юк, йўл, иншоот, мол-мулкнинг бузилишига олиб келса	30
Шунингдек авария ҳолатига, юк, йўл, иншоот, мол-мулкнинг бузилишига олиб келувчи бошқа қондабузарликлар	10—30
Йўл-транспорт ҳодисасн иштирокчисн бўла туриб жойни ташлаб кетса	30
Транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганда	200
Спиртли ичимлик ичганлигини аниқлашдан бош тортганда	200
Кайф ҳолдаги шахсга рулни бошқаришни берганда	200
Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмай транспорт воситасини бошқарганда	30
Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни берганда	30
Ҳайдовчилик гувоҳномасинсиз транспорт воситасини бошқараётган ёки уни худди шундай шахсга берганда авария, юк, йўл, иншоот, мол-мулкнинг бузилишига олиб келса	30—50
Йўл, темир йўл переездларн, йўл иншоотларн ёки ҳаракатни мувофиқлаштириш техник воситаларн бузилганда	20—50
Йўл ҳаракатига билиб туриб халақит берганда, шу жумладан йўлнинг устки қисмини ифлослантирганда	20—50
Ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ бўла туриб кайф ҳолда транспорт воситасини бошқарганда	200

ЭСЛАТМА:

1. Авария вазияти деганда, ҳаракатнинг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўзларининг ва бошқа гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бошқа чораларни кўришга мажбур қилувчи вазият кўзда тутилади.

2. Қоида бузилганлигини ҳайдовчи ёки бошқа шахс инкор этмаган ҳолларда 5—10 сўмлик жарималар милиция ходими томонидан ўша ернинг ўзида протокол тузилмай, белгиланган намунадаги квитанция берган ҳолда ундирилиши мумкин. Қолган ҳолларда протокол тузилади ва жарима Омонат банки муассасаларига тўланади.

Очиқ бекатлар зарур

Марказий матбуот органларидан бирининг ёзишига қараганда, ҳозир автомобилларни, уларнинг ичидаги буюмларни ўғирлаш ниҳоятда авж олиб кетган. Шу йилнинг фақат уч ойи мобайнидагина мамлакатимизда 4953 машина ва мотоцикл ўғирланган. Яна қанчаданқанчасига шикаст етказилган.

Аҳволни ўнглаш учун нималар қилинаяпти? Шуни айтиш керакки, шаҳримиздаги ана шу иш учун мутасадди ташкилотлари автомобиль мухлисларига ёрдам беришни ўйлашмаяпти. Фақатларга мурожаат қилайлик. Шаҳар уй-жой бошқармаси ҳузурида ташкил этилган «Ташжилремонт» трести капитал ва жорий ремонт ишларини бажариш билан бир қаторда 1988 йилда 1.600 минг сўмлик ҳажмида автомобилларнинг очиқ бекатларини бунёд этиши лозим эди. Ана шу мақсад учун моддий ресурслар ҳам ажратилганди. Аммо бир квадрат метр ҳам очиқ бекат қурилгани йўқ. Сабаби, трест бир неча бор Архитектура-планлаштириш Бош бошқармасига, гараж техник хизмат кўрсатиш комбинатига, қатор район ижроия комитетларига мурожаат қилганига қарамай, бекатлар қурилиши учун ер участкаларини ажратиш масаласи ҳал этилмади.

Ўтган йили маблағлар ўзлаштирилмаганлиги натижасида очиқ бекатлар қурилиши учун ажратилган маблағ бу йил 400 минг сўмгача камайтириб юборилди. Мана биринчи ярим йиллик якунланай деб қолди. Аммо бирорта ҳам бекат қурилиши бошлангани йўқ.

Трест ер участкаси ажратишни сўраб шаҳар Архитектура-планлаштириш бош бошқармасига мурожаат қилган эди. У ердан «территория гараж-техник хизмати кўрсатиш комбинатига ажратилади», — деган жавоб олинди. Комбинат эса очиқ бекатлар қурилиши учун ҳужжатларни топширишга қаршилик кўрсатмайди. Иш ер участкасини ажратиш масаласини конкрет ҳал қилишга келганда эса район ижроия комитетларидан акс садо чиқмаяпти.

Шаҳарда шахсий транспорт кўпайиб бораётган бир пайтда очиқ бекатлар қурилиши сув ва ҳаводек зарур.

В. АБРАМСОН,
шаҳар халқ контроли комитети штатсиз қурилиш бўлимн мудирининг ўринбосари.

«Энг интизомли йўловчи» конкурси

Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси шу йилнинг июнидан 20 ноябригача ана шундай конкурс ўтказишга қарор қилди. Бундан мақсад — кишиларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолишдир. Маълумки, кейинги пайтда йўловчилар йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий айбдорлари бўлиб қолишаяпти.

Конкурс уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқич 1 июндан 1 августгача, иккинчи босқич 1 сентябрдан 1 октябргача, учинчи босқич 1 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.

Интизомли йўловчилар қандай аниқланади? ГАИ ходимлари гражданлик кийимларида шаҳарнинг энг гавжум чорраҳаларида кинооператорлар билан йўловчиларнинг ҳаракатларини кузатиб борадилар.

Ғолиблар — 1, 2, 3-ўринни эгаллаган интизомли йўловчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади ва газетамиз саҳифаларида эълон қилинади. Конкурс якуни эса шу йилнинг 27 ноябрида телевизорда кўрсатилади ва ғолибларга совғалар топширилади.



Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари тез-тез шаҳримиз мактабларида бўлиб, ўқувчиларга «Йўл ҳаракати қоидалари»нн мукаммал тушунтиришга ҳаракат қиладилар, турли «Светофор» ўйинларн ўтказишга бош-қош бўладилар.

СУРАТДА: бошқарма ходимн, милиция лейтенанти Равилья Гизатулина 28-мактабнинг «Машъал» светофор командаси аъзоларн билан суҳбатлашмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Билимдонлар диққатига

12. Шу жойда ҳовлига бурилиш мумкинми?



Аввалги «Йўлингиз бехатар бўлсин» подборкасида «Йўл ҳаракати қоидалари» билимдонлари диққатига 11-топшириқни ҳавола этган эдик. Ана шу топшириқ юзасидан оқшомхонлардан ўнлаб хатлар олинди. 11-топшириққа Тошкентдаги 155-мактабнинг 7-«Б» синф ўқувчиси Ш. Султонова, Т. Дадажонова, З. Раҳимжонов, Қ. Амиржонова, Х. Жумаева, А. Одилов, Азимовлар оиласи, Б, Бўтаев, Н. Раҳимбеков, Й. Эшбоев, Р. Шерматов, Т. Хўжаев, Л, Азизода, И. Ниғматов, М. Маҳмудова, Пўлат ва Шариф Пирназаровлар, Ф. Алимова, М. Нишонов, Т. Иноятов, И. Ҳолбоев тўғри жавоб йўллаганлар.

11-топшириқ бўйича қолган бошқа ўртоқларнинг жавоблари жюри ҳайъати томонидан нотўғри деб топилди. Бугун эса Сизнинг эътиборингизга 12-топшириқни ҳавола этмоқдамиз: — Шу жойда ҳовлига бурилиш мумкинми?

1. Мумкин.

2. Мумкин эмас.

Жавобларингизни кутамиз. Конкурс ғолибларини йил охирида совғалар кутмоқда.

Ёпиғлик қозон очилди

Ҳа, касални яширсанг, носитмаси ошкор қилади, деганларича бор. 2-уйсозлик комбинатининг 25-қурилиш бошқармаси ҳайдовчиси Анвар Исамуҳамедов жуда «уддабурон» чиқиб қолди. Давлат ҳисобига хотамтойликда эса ҳаммадан ўтиб кетди. Бошқарма бош инженери А. Климашкин, бош механик М. Салоимскийлар унга ўта хайрихоҳлик кўрсатди. Бу эса қимматга тушди.

24-ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси Мурод Саломов ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмай туриб А. Исамуҳамедовга машинангни бериб тур, деб илтижо қилди. У ҳам ҳеч иккиланмай «ВАЗ—21011» маркали 56—60 ТНС номерли машинани бериб юборди. М. Саломов машинани Абдуллаев кўчасида ўқдек учириб кетаётганида «ГАЗ—24» маркали 99—62 ТНА номерли машина билан тўқнашиб кетди. Натижада Саломов ва машина ичидаги беш йўловчи қаттиқ тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Аниқланишича, бошқарма ҳайдовчиси А. Исамуҳамедов ўтган йили спиртли ичимлик ичиб, машина ҳайдагани учун 30 ойга машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилган экан. Бироқ, бошқарма бошлиғи Э. Пачуянц, бош механик М. Салоимскийлар унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ бўлишига қарамай, 56—60 ТНС номерли машинани унга бириктириб қўйишган. Унга давлат кассасидан 4606 сўм 78 тийин ойлик бериб келганлар. Агар бу йўл транспорт ҳодисаси бўлмаганида, балки Исамуҳамедов ўз «фаолияти»ни янада давом эттириб кетаверар эди. Аммо у ўйлаганча бўлмади. Ёпиғлик қозон очилди.

Х. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Давлат автоинспекцияси катта инспектори, милиция капитани.

«Йўлингиз бехатар бўлсин» туркум материалларини «Тошкент оқшоми» газетасининг махсус мухбири Т. ТОШЕВ тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИН

ЯШИЛ ТЕАТРИДА

16 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

«Хушнуд» аскиячилар клубининг қаҳқаҳа кеч

ҚАТНАШАДИЛАР:

Аския ва қизиқчиларнинг I—IV Республика кўр курсларининг лауреатлари: Айнниддин ЗАЙНИД Фозилжон СУЛТОНОВ, Жалолиддин РАҲИМОВ дулла АБДУЛЛАЕВ, Турсунбой ФАИЗИЕВЛАР

ИНТЕРМЕДИЯ ВА ХАНДАЛАРДА:

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотин реатлари; Авазжон ТОЛИБЖОНОВ, Шукрилло М МОВ, Шаҳобиддин ОТАМУРОДОВ.

Кечада хушовоз хонанда ва раққосалар иштир дилар.

Кечани У. АБДУЛЛАЕВ олиб боради.

КУЛГИ ШИНАВАНДАЛАРИ, КЕЧАМИЗГА К МАТ!

Билетлар яшил театр кассасида соат 18.00 дан ди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармо
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

19 июнь соат 19.30 да

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ФОНДИГА АТА

Хайрия концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артис
Ортиқ ОТАЖОНОВ
IV Қизиқчи ва аскиячилар республика кўрик-ко ва
«ҚИЗИҚЧИ-89» республика конкурсининг лауре
ака-ука Обид ва Собит АСОМОВЛАР

Солистлар: Тўхтамурод Азизов, Мирза Холме тир Муҳамедхўжаев.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи касс соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармо
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚ
ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

20, 21 июнь соат 19.30 да

Ҳиндистонга қилган сафардан қайтиш муносаба
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артис
Бобомурод ҲАМДАМОВ
РАҲБАРЛИГИДАГИ АНСАМБЛНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи касс соат 14.00 дан сотилади.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/VI да **Корсар**, 17/VI да **Масхарабозлар**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/VI да **Гул ва Наврўз**, 16/VI да **Зўлдир**, 17/VI да **Ака-ука совчилар**.

Кино

15 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИШҚ ЛАҲЗАСИ» (катта зал, 17, 20.00); «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (кичик зал, 18.30, 20.40, ўзбек тилида).

Чайка — «ҚАСОСҚОР» (18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ГИРТ ЁЛҒОНЧИ» (18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (17, 20.00); «РАСМИЙ ВОҚЕА» (жуфт соатларда).

Дружба — «РАСМИЙ ВОҚЕА» (ҳар соатда).

Восток — «МАРВАРИД» (18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (18.30, 21.00).

Нукус — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (18.30, 20.45, ўзбек тилида).

К. Ерматов — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (тоқ соатларда).

Фестиваль (ёзги) — «ФРЕНЧ КАНКАН» (22.00).

Хива (ёзги) — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (22.00).

16 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИШҚ ЛАҲЗАСИ» (катта зал, 11, 14, 17, 20.00); «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (кичик зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40, ўзбек тилида).

Чайка — «НИМА, СИЗГА ҲОКИМИЯТИМИЗ ЁҚМАЙДИМИ?» (11.30); «ҚАСОСКОР» (13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (17, «РАСМИЙ ВОҚЕА» (жуфт атларда).

Дружба — «РАСМ ҚЕА» (ҳар соатда).

Восток — «МАРВАРИ (13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «Т ДАНДИ-2» (11, 13.30, 21.00).

Нукус — «МАЙСА ИШИ» (11, 13.30, 16 20.45, ўзбек тилида).

К. Ерматов — «М ДУШМАНИМ» (тоқ со

Хива (ёзги) — «М ДУШМАНИМ» (22.00).

«Курортстройпроект титутининг Тошкент тектура-планлаштири тахонасига Тошкент уй-жой социал ба Ҳамза район бўлими дан берилган 609722 мерли йўқолган ЛИМИТЛАШТИРИ ЧЕК ДАФТАРЧ **БЕКОР ҚИЛИНА**

«Узплодоовощтра тотранспорт ишлаб бирлашмасига қараш ва 634-номерли йўқол ИШОНЧ ҚОҒОЗЛ **БЕКОР ҚИЛИНА**

Собир Раҳимов ра ги 7-ишчи ёшлар мак монидан Муталова Ш номига берилган Д номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМО РИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНА**

Октябрь районидаги болалар боғчасининг ган ДУМАЛОҚ МУҲ **БЕКОР ҚИЛИНА**

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. — 01304. Ички саҳифаларга 20.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2106. Индекс 64690.